

O'zingni angla!



# Hurriyat

Mustaqil gazeta

2026-yil  
12-avgust  
chorshanba  
№ 32 (1510)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqq boshlagan

www.uzhurriyat.uz



hurriyatuz@mail.ru



t.me/hurriyatuz



Hurriyat gazetasi

## АХВОЛ

Ташқарида қўёш бор. Одамлар бор. Кўчалар, шовқин, бир-бирининг кўзига тасодифан тушиб кетган нигоҳлар... Лекин кўпчилик буларни кўрмайди. Чунки бошлар экранга эгилган. Метро, автобус, боғ ва хибонлар, ҳатто дастурхон атрофида ҳам манзара ўша-ўша. Ҳамма бир жойда, лекин ҳаёллар бошқа ерда.

Бу — танқид эмас, шунчаки қўзатув. Бунни ўқийётганингизда, эҳтимол, "менга ҳам тааллуқли" деб ўйлаётгандирсиз.

Инсон азалдан ўзини бошқалар билан таққослаган — бу инстинкт, бу табиий ҳол. Лекин қачонлардир одам ўзини фақат қўшниси, маҳалладоши ва яқин атрофидагилар билан қиёслаган бўлса, бугун бутун дунё билан солиштирмоқда. Нафақат дунё билан — дунёнинг энг гўзал лаҳзалари билан.

Ижтимоий тармоқларда ҳеч ким қарчаганини кўрсатгиси келмайди. Ҳеч ким қарзини, хавотирини, тунги уйқусизликларини суратга олмайд. У ерда фақат саёхатлар, тўкин дастурхонлар, фақат муваффақиятлар бор. Табиийки, инсон — қалби бор, орзуси бор одам ичида сўрайди: "Нега мен эмас?"

Бу савол одамни йўлдан оздиради. У айб қидиради: ўзидан, тақдирдан, атрофидагилардан. Ҳолбуки, хато бошқа жойда: биз ҳақиқий ҳаётни виртуал ҳаётга алмаштириб қўйдик. Бу жараён шунчалик аста-секин содир бўлдики, кўпчилик пайкамай ҳам қолди.

## КОНТЕНТ ТУГАМАЙДИ, ВАҚТ ТУГАЙДИ

Инсон умри қанча эканини билмайди. Бу — энг катта ва энг кам эсланадиган ҳақиқат. Ҳар куни ўртача тўрт, беш, баъзилар етти соат экранга қарайди. Бу — тахмин эмас. Сўнгги глобал ҳисоботларга кўра, дунё бўйича ўртача кунлик экран вақти тахминан 6 соат-у 45 дақиқани ташкил этади, баъзи мамлакатларда эса бу кўрсаткич 9 соатдан ошади. Фақат ижтимоий тармоқларнинг ўзига одам кунига ўртача икки ярим соатга яқин вақт сарфлайди. Ваҳоланки, бу рақам 2012 йилда атиги бир ярим соат эди. Энди шу рақамни йилга кўпайтиринг. Ўн йилга. Бир умрга... Неча йил экран олдида ўтади? Ва ўша вақт оралиғида нималар ўтказиб юборилади?

Ўтиб кетган суҳбат қайтмайди. Болангизнинг ўша самимий кулгиси, ота-онанинг ўша самимий гапи, дўстнинг билан баҳам кўрилган ўша лаҳза — улар фақат бир марта бўлади. Экранда эса янги контент доим бор. Доим! Тугамайди. Лекин ҳаёт тугайди. Бу гаплар кўрқитиш учун айtilмапти, бу — оддий ҳисоб-китоб.

Ҳар бир билдиришнома, ҳар бир янги пост, ҳар бир "лайк" мияда дофамин ажралиб чиқшини таъминлайди. Оз миқдорда, лекин тез-тез. Ва бу — тасодиф эмас, атайлаб тузилган дизайн. Нейрологларнинг кўрсатишича, ижтимоий тармоқларнинг муқофот тизими қимор ўйинлари ва айрим гифеҳанд моддалар таъсир қиладиган нейрон йўллари билан аниқ ўзига таъсир кўрсатади. Билдиришномаларнинг олдиндан билиб бўлмайдиган вақтларда келиши ҳам атайлаб шундай қилинган, чунки кутилмаган муқофот мияда энг кучли дофамини ишлаб чиқаради ва шу орқали доимий равишда телефонни текшириб туриш одати шаклланади.

Бунинг оқибатида секин-эса чуқур мушоҳада юритиш, таҳлил қилиш, мустақил фикрлаш ва бир нарсга диққатни жамлаш қийинлаша бошлайди.

Китоб ўқишга ўтирасиз: уч саҳифадан кейин телефон қўлингизда. Биров сиз билан гаплашяпти, аммо ҳаёлингиз аллақачон бошқа томонга кетиб бўлган. Ташқаридаги бетакорор гўзаллиқни аввал телефонингиз хотирасига муҳрайсиз, кейин томоша қиласиз... Аслида, завқ қаерда эди?



# ЭКРАНГА ЭГИЛГАН БОШЛАР

## ТАБИЙ МУНОСАБАТЛАР ҲАҚИДА

Бир пайтлар одамлар кўчада таниш-билиши билан тўхтаб гаплашарди. Қўшни қўшни билан дарвоза олдида, дўстлар эса телефонсиз суҳбатлашиб кетарди: вақт бошқача ўтарди. Бугун узоқдаги одам билан ҳар дақиқада ёзишиш, онлайн кўришиш мумкин. Бу — мўъжиза. Лекин ёнидаги одамга "бир дақиқа" деб телефонга берилиб кетиш ҳам шунчалик кенг тарқалдики, бу энди ҳеч кимга ғайритабиий кўринмай қолди.

Технология масофани қисқартирди, лекин яқинларни бир-бирдан узоқлаштирди. Бунни ҳис қилмаган одам борми? Дастурхон атрофида ҳамма ўз телефони билан овора. Меҳмон келди: бир соатдан кейин ҳамма яна экранга тикилган. Бола отасига нимадир айтмоқчи: ота "бир дақиқа" дейди, лекин ўша "бир дақиқа" ҳеч тугамайди.

Шу саволлар мени ҳам тинч қўймайди. Мен журналистман. Ва базан ўзимдан сўрайман: бугун ёзган мақолам кимга етиб боради?

Бу савол шунчаки техник характерда эмас. Бу — виждон саволи.

Бир пайтлар журналист ёзарди, газета чоп этарди, газетхон ўқирди. Занжир тўғри эди. Бугун эса бу занжирда янги бир бўғин пайдо бўлди: алгоритм. У нимани кўрсатишни, нимани яширишни, қайси мақола "кликланадиган"-у, қайси бири "зерикарли" эканини ўзи ҳал қилади. Журналист энди фақат ўқувчи учун эмас, алгоритм учун ҳам ёзишга мажбур.

Алгоритм ҳақиқатни севмайди. Унга фақат диққат-эътибор муҳим.

Қайси сарлавҳа кўпроқ эътиборни жалб қилади? Қайси хабар кўпроқ улашилади? Жавоб доим бир хил: ғазаб, кўрқув ва хайратни ифодалайдиган "кликбейт"лар, албатта. Бу ҳис-туйғулар одамни экранга михлаб қўймоқда. Натижада журналистика аста-секин ўзгарапти: чуқур таҳлил ўрнига тезкор муносабат, текширилган факт

ўрнига биринчи бўлиб чиқариш, муҳим мавзу ўрнига шов-шувли мавзу.

## КИОСКА ОЛДИДАГИ НАВБАТ

Бир давр бор эди: киоскада газета сотиб олиш учун навбат кутиларди. Бу давр мендан ҳам анча катта, тўғри. Хушид Дўстмуҳаммад, Аҳмаджон Мелибоев, Зухриддин Исомиддинов, Мухаммаджон Обидов каби яна қанчадан-қанча забардаст ижодкорларнинг ёзган мақолалари кечаси чоп этилиб, эрталаб бутун юрт бўйлаб муҳокама қилинарди.

Баъзилар бу навбатни танлов йўқлиги билан изоҳлайди: иккита канал, бир неча газета-журнал бўлган, бошқа нарсга бўлмаган. Лекин бу тўлиқ ҳақиқат эмас. Ўша публицистлар танлов йўқлиги туфайли ўқилмаган, балки ёзганлари ўқувчида фикр қолдиргани, ўйлантиргани, тўғри хулосага келтиргани учун мутолаа қилинган. Бугун ҳам шундай мақолалар тарқалади, бахslashилади, изоҳланади. Танлов йўқлиги сабабли эмас, айнан сифат кучи билан оммага ёйилади.

Лекин ўша даврда яна бир нарсга бор эди: муҳит. Газета ўқиш ижтимоий норма эди. Ота ўқиса, бола ўқирди. Муҳаррир бор эди, тахририят бор эди, ёзувчи ёлғиз эмасди. Устоз бор эди, мактаб бор эди.

Ўша публицистлар ана шундай муҳит ичида етишиб чиқди. Бугун эса ёш журналист кўпинча ёлғиз: Телеграм-каналда, сайтда, ижтимоий тармоқда аудитория реакциясига қараб ёзади. Тизим унга устозлик қилмайди, рақамларни кўрсатади, холос. Кўпроқ "лайк" босилса, изоҳ қолдирилса, улашилса, демек, яхши. Акс ҳолда-чи? Бошқа мезоннинг ўзи йўқ.

Журналист шундан кейин ҳам оммани жалб қиладиган мавзу қидирмасинми, шов-шувга учмасинми?

Мавзу танқис эмас, аксинча, коррупция, эколог

гия, ижтимоий тенгсизлик, ёшлар муаммолари — барчаси ёзилишини кутиб турибди. Кучли салоҳиятга эга журналистлар ҳам бор, таҳлилий-танқидий материаллар ҳам етарли.

Лекин электрон тизим уларни юзага чиқармайди. Яхши журналист ёзади, аммо алгоритм уни кўрсатмайди. Кўрсатмайди, чунки у шов-шувли, яъни жуда тез тарқаладиган контент эмас. Натижада ўша журналист ҳам аста-секин ўзгаради: ёки алгоритмга мослашади, ёки аудиториясиз қолади.

Бунни савия муаммоси деб бўлмайди. Бу — тизим одамни ўзгартиради, одам тизимни эмас, дегани.

Журналистика ҳам бозорга айланди. Нима сотилса, ўша ишлаб чиқарилади. Аудитория чуқур таҳлилни ўқиса, таҳлил ёзилади. Аудитория уруш-жанжалларга қизикса, шу ҳақда материал ёзилади. Бугунги рақамлар шуни кўрсатмоқдаки, сенсация кўпроқ ўқилади. Журналист эса ўша талабга жавоб беради: чунки у ҳам тирикчилик қилиши керак.

## БИЗ ЕНГИЛИШНИ ТАНЛАМАЙМИЗ

Баъзан ўйлаймиз: бу фақат бизнинг, кичик бозоримизнинг муаммоси. Ресурс йўқ, мутахассис йўқ, рақобат кучсиз: шунга ўхшаб кетади. Лекин ҳақиқат бошқача. Худди шу жараён, айнан шу жараён дунёнинг энг катта, энг бой, энг нуфузли нашриётларини ҳам чайқатиб юборди.

2015 ва 2018 йилларда "Facebook" ўз алгоритмини икки марта тубдан ўзгартирди: энди фойдаланувчи янгиликлар тасмасида дўстлари ва оиласининг постларини кўпроқ, нашриётларнинг постларини эса камроқ кўрадиган бўлди. Бу шунчаки техник ўзгариш эди. Лекин натижаси фалокатли бўлди: ийрик нашриётларнинг "Facebook" орқали келадиган ўқувчилари сони ярмига ту-

шиб кетди, кичик нашриётлар учун эса бу рақам деярли нолга тенглашди.

Бир кун ичида миллионлаб ўқувчилар ғойиб бўлди. Улар ҳеч қаёққа кетгани йўқ, шунчаки ўша ерда қолди, фақат энди сизнинг мақолангизни кўрмайдиган бўлди. "BuzzFeed" даромад режасини бажара олмади, муҳаррирлик ходимларини қисқартиришга мажбур бўлди. "Mashable" эса ўз янгиликлар бўлимини деярли бутунлай ёпиб, видеоформатга ўтди: шунга қарамай, бир йил ичида ўз бозор қийматининг тўртдан уч қисмидан кўпрогини йўқотиб, бошқа компанияга сотилиб кетди.

Мана, алгоритмни "восита" деганимизда нимани назарда тутамиз! У шунчаки кўрсатиш тартибини ўзгартиради, холос. Лекин унинг ортида одамларнинг иш ўрни, нашриётнинг тақдир, журналистнинг эртанги куни туради. Жефф Безос "The Washington Post"ни сотиб олганидан кейин газета икки йўлни бир вақтда танлади: бир томондан, чуқур, жиддий таҳлилий материаллар, иккинчи томондан, тезкор, "портлаш"га мўлжалланган, "енгил ҳазм бўладиган" контент оқими. Айнан шу уйғунлик 2015 йилда уни онлайн трафик бўйича "The New York Times"дан ўзиб кетишига олиб келди. Таҳлилчилар бунни "энг мураккаб ҳийла" деб аташади, чунки нашр ўзининг Пулитцер мукофотларига лойиқ обрўсига зарар етказмасдан, "кликбейт"дан келадиган барча фойдани олишга муваффақ бўлди.

Қизғи шундаки, "The New York Times" бир пайтлар айнан шу ҳодисани танқид қилган эди. 2015 йилда у "саёз, тақорланувчи журналистика"га ўтиш тенденцияси ҳақида мақола чоп этди ва унда "The Washington Post"ни мисол қилиб кўрсатди. Лекин икки ой ўтмай, ўзи ҳам "Express Team" деган бўлим очди — унинг вазифаси ижтимоий тармоқларда "портлаган" мавзулар бўйича тезкор хабарлар бериш эди. Бўлим муҳаррири эса бунни: "Булар ўқувчиларнинг диққатини тортадиган, лекин улар сайтда қидириб топа олмайдиган мавзулар", деб изоҳлаган.

Изланувчи сифатида сарлавҳаларни таҳлил қилганимизда, айнан "кликбейт" мазмунинидаги материал номларига "лайк" ва улашиш сони кўп бўлишига ғувоҳ бўлдим. Бу — тасодиф эмас, қонуният. Юқорида айтилганидек, шов-шув ва ваҳима уйғотувчи, ғазабга сабаб бўлувчи контентларга изоҳ ёки муносабат қолдирилиб, улашилгач, албатта, улар кўпайгандан-кўпаяверади. Алгоритм бундай материалларни "кўрсатадими?" деб сўраб ўтирмай, автоматик равишда тақдим эта бошлайди.

Шундай қилиб, бизнинг журналистларимизни "савиясиз паст" деб айблашдан олдин шуни тушуниш керак: Нью-Йорк ва Вашингтондаги энг яхши тахририятлар ҳам айнан шу куч билан — миллионлаб ўқувчиларга, миллиардлаб долларлик капиталга эга компаниялар билан курашда енга олмади. Улар мослашди ёки йўқолди.

Савол шунда: агар дунёнинг энг кучлилари ҳам бу оқимга қарши тура олмаган бўлса, бизнинг йўлимиз қаерда?

Жавоб оддий: қаршилиқда эмас, англашда. Алгоритм кучли. Лекин аудитория — сизу биз ундан ҳам кучли бўлишимиз мумкин.

Аудитория савияси ўз-ўзидан пасаймаган. У шакллантирилган.

Мақтабда танқидий фикрлаш ўргатилмаса, ўқувчи ҳамма нарсга ишонаверади. Оилада китоб ўқиш одати бўлмаса, катта ҳажмдаги матнларни ўқиш ва таҳлил қилиш қийин кечади. Йиллар давомида юзаки контент кўрсатилган муҳитда эса келажак авлоднинг дангаса фикрлаши табиий ҳолга айланади.

Бу айланма занжир аниқ кўриниб турибди: аудитория яхши журналистикани талаб қилмайди, журналист яхши ёзмайди, аудитория янада юзаки контентга ўрганади, талаб эса янада пасаяди. Лекин айнан шу жойда муҳим бир ҳақиқат бор — алгоритм мутлақ душман эмас.

Шохиста ЮНУСАЛНОВА.

## ФАОЛИЯТ

## ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИ ДОЛЗАРЪ ТАШАББУСЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бугунги жамият учун муҳим бўлган масалаларни кенг жамоатчилик билан муҳокама қилиш, журналистларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда соҳа вакилларининг янги ташаббусларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.



Шу мақсадда Уюшма қoшидаги Журналист аёллар кенгаши ташаббуси билан "Яшил иқтисодиёт ва аёллар: кела-

жакни асраш масъулияти" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда журналистлар, эколог-гия соҳаси мутахассислари, жамоат фаоллари ҳамда фаол хо-

тин-қизлар иштирок этиб, экологик маданиятни юксалтириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда экологик масалаларни оммавий ахборот воситаларида самарали ёритиш юзасидан фикр алмашдилар.

Мулоқот давомида экологик мавзуларни ёритишда журналистлар дуч келаётган айрим муаммолар ва камчиликлар таҳлил қилиниб, аҳолининг экологик саводхонлигини оширишда медиа вакилларининг масъулияти алоҳида таъкидланди.

4-6



Россияга иш излаб кетиб, Украина урушига мажбурий юборилган йигит қисмати

6-6

■ **НУҚТАИ НАЗАР**

**Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар марказида, аввало, инсон капиталига сармоя киритиш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ва олий таълим сифатини халқаро даражага олиб чиқиш масалалари турибди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилаётган йиғилишларда, қабул қилинаётган қарор ва фармонларда таълим тизимини иқтисодиёт тармоқлари билан чамбарчас боғлаш, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш устувор вазифа сифатида белгиланмоқда.**

Яқинда давлатимиз раҳбари раислигида ёқилғи-энергетика тармоғини ривожлантиришнинг устувор вазифаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам энергетика соҳаси учун замонавий билимга, юқори касбий малакага ҳамда амалий кўникмаларга эга муҳандис кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу вазифалар нафақат энергетика соҳаси, балки бутун олий таълим тизими олдига мутлақо янги талабларни қўймоқда. Бугунги меҳнат бозори энди шунчаки дипломли мутахассисни эмас, балки биринчи иш куниданоқ ишлаб чиқариш жараёнига



мოსлаша оладиган, замонавий технологияларни бошқарадиган ва муаммоларни мустақил ҳал қилиш қобилиятига эга кадрларни талаб этмоқда. Демак, олий таълим муассасаларининг асосий вазифаси энди фақат назарий билим бериш билангина чекланмайди. Университет талабани иш жойига тайёр мутахассис сифатида етказиб бериши лозим. Ана шу эҳтиёж дуал таълим тизимини жорий этишни давр талаби даражасига олиб чиқмоқда. Дуал таълим — бу шунчаки оддий

амалиёт эмас, балки таълимнинг янги фалсафаси, университет ва ишлаб чиқаришнинг ягона мақсад йўлидаги ҳамкорлигидир. Ушбу тизимда талаба бир вақтнинг ўзида ҳам универси-тетда назарий билим олади, ҳам корхонада амалий фаолият юритади. На-тижада билим ва амалиёт ўртасидаги узил-иш барҳам топади. Талаба ўқиш даврининг ўзидаёқ меҳнат муҳитини ҳис этади; жамоада ишлаш, масъу-лиятни зиммага олиш ҳамда техноло-гияларни амалда қўллаш каби муҳим компетенцияларни шакллантиради.

Ривожланган мамлакатлар тажри-

лигини беvosита ўрганиш имкония-тига эга бўлди. Мюнхен ва Юқори Бавария Хўнармандчилик палатаси, Франкфурт шаҳридаги “MHT Mold & Hotrunner Technology AG” корхонаси, Потсдам амалий фанлар универси-тети ҳамда бошқа нуфузли муассасаларда ташкил этилган учрашувлар бизга бир ҳақиқатни яна бир бор ан-галди: рақобатбардош университет, аввало, рақобатбардош ишлаб чиқа-риш билан ҳамнафас яшайди.

Германияда талабаларнинг катта қисми айнан дуал таълим орқали му-тахассис бўлиб етишади. Универси-

электр тармоқлари, подстанциялар ва замонавий энергетика объек-тларида ўз мутахассислиги бўйича ишлаб чиқариш жараёнларида бе-восита қатнашиб, назарий билим-ларини амалиёт билан бойитиш им-кониятига эга бўлмоқдалар.

Шунингдек, Президентимиз томони-дан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада мус-таҳкамлаш мақсадида “Худудгазтаъ-минот” акциядорлик жамияти билан ҳам дуал таълимни ривожлантириш бўйича ҳамкорлик меморандуми имзо-

маларини мустаҳкамлаши ва келгу-сидаги меҳнат фаолияти учун зарур компетенцияларни эгаллашига хиз-мат қилмоқда.

Бу ташаббуслар фақат битта уни-верситет ёки битта тармоқ манфаати-гагина қаратилган эмас, балки мам-лакатимизда олий таълим мазмунини тубдан ўзгартиришга хизмат қилади. Чунки келажак университетлари шун-чаки диплом берувчи муассаса эмас, балки иқтисодиёт учун янги техноло-гиялар, инновацион ғоялар ва юқори малакали кадрлар етказиб берувчи интеллектуал марказга айланиши ло-



миз томонидан белгиланган вазифа-ларни амалга ошириш, Германиянинг илғор тажрибасини миллий таълим тизимига мослаштириш, дуал таъ-лимни янада кенгайтириш ва ишлаб чиқариш билан ҳамкорлиқни янги бос-қичга олиб чиқиш йўлида барча им-кониятларини сафарбар этади. Зеро, Янги Ўзбекистонда олий таълим тизи-мини ислох қилиш ва ривожлантириш жараёнининг бош мақсади ҳам ана шундай — билимни амалиёт билан, касбни замонавий технологиялар билан уйғунлаштирган, ўзгариб бораёт-ган меҳнат бозори талабларига мос ва рақобатбардош авлодни тарбиялаш-дир. Бугун дуал таълимнинг изчил жо-рий этилиши, таълим ва ишлаб чиқа-риш ўртасидаги ҳамкорлиқнинг янги босқичга кўтарилаётгани, илм-фан ва инновацияларнинг амалиёт билан уй-ғунлашаётгани ушбу мақсадларнинг ҳаётдаги амалий ифодасидир.

Энг муҳими, бу жараёнда талаба оддий таълим олувчидан замонавий касб эгасига, касб эгасидан эса янги технологияларни яратиб, уларни бош-қара оладиган мутахассисга айланиб бормоқда. Бу эса биз қўзғайётган та-раққиётнинг энг муҳим натижасидир.

Янги Ўзбекистонда олий таълим тизимини ислох қилиш ва ривожлан-тириш натижасида “Муваффақият формуласи: билим – касб – техноло-гия” занжири тобора ҳаётда ўзининг амалий ва самарали ифодасини топ-моқда. Бу занжирининг ҳар бир бўғини мустаҳкам бўлса, мамлакатимиз иқти-содиёти учун зарур бўлган янги авлод мутахассислари, муҳандислари ва за-монавий касб эгалари камол топади. Бугун биз қўраётган таълим тизими — эртанги тараққиёт пойдеворидир. Ана шу пойдевор қанчалик мустаҳкам бўлса, Янги Ўзбекистоннинг келажаги ҳам шунчалик фаровон ва барқарор бўлади.

**Рустам ТОЖИЕВ,**  
Фарғона давлат техника университети ректори,  
техника фанлари доктори,  
профессор.

# ДУАЛ ТАЪЛИМ —

## КАСБ ВА ТЕХНОЛОГИЯНИ БОҒЛОВЧИ СТРАТЕГИК КЎПРИК

баси бу йўналишнинг нечоғлиқ самарали эканини яққол намоён этмоқда. Айниқса, Германия Федератив Рес-публикасида дуал таълим нафақат касбий таълим, балки муҳандислик ва техник олий таълимнинг ҳам асо-

тетда олинган ҳар бир назарий би-лим корхонадаги амалиёт орқали мус-таҳкамланади. Ҳар бир лаборатория машғулоти ишлаб чиқариш эҳтиёж-ларидан келиб чиқиб ташкил этилади, илмий тадқиқотлар эса корхоналар-нинг аниқ муаммоларини ҳал қилишга қаратилади. Бу эса университетни иқ-тисодиётнинг ҳақиқий драйверига ай-лантиради.

Сафар давомида эришилган кели-шувлар Фарғона давлат техника уни-верситетида ҳам дуал таълим тизи-мини янада такомиллаштириш бўйича янги имкониятларни очди. Хусусан, Германиянинг қатор университетлари ва саноат корхоналари билан ҳамкор-лик меморандумлари имзоланди. Та-лабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашинуви, малака ошириш, қўшма илмий тадқиқотлар ҳамда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш юза-сидан келишувларга эришилди. Энг муҳими, биз Германиядан тайёр мо-делни эмас, балки унинг асосий та-мойилларини олиб қайтдик. Чунки ҳар бир мамлакат ўзининг иқтисодий эҳтиёжлари ва миллий таълим тизи-мидан келиб чиққан ҳолда дуал таъ-лимни шакллантиради. Бизнинг ва-зифамиз эса ушбу илғор тажрибани миллий шароитимизга мослаштириш-дан иборат.

Айни пайтда Фарғона давлат тех-ника университетига бу борада аниқ амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, “Худудий электр тар-моқлари” акциядорлик жамияти би-лан ҳамкорликда энергетика йўна-лишида тахсил олаётган 3–4–босқич талабалари учун дуал таълим эле-ментлари босқичма-босқич жорий этилмоқда. Эндиликда талабалар



ланди. Мазкур ҳамкорлик доирасида 30 нафар талабанинг ишлаб чиқариш амалиётини тизимли ташкил этиш, газ таъминоти соҳасининг долзарб муам-молари бўйича қўшма илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, инновацион ишланмаларни амалиётга жорий этиш ҳамда меҳнат бозори талабларига жа-воб берадиган юқори малакали му-ҳандис кадрларни тайёрлашга ало-ҳида эътибор қаратилмоқда.

Айниқса, талабаларнинг ёзги таъ-тил даврини мазмунли ва самарали ўтказишни таъминлаш мақсадида улар билан меҳнат шартномалари им-золаниб, ҳақ тўланадиган ишлаб чиқа-риш амалиётига жалб этилди. Бу эса ёшларнинг ўз мутахассислиги бўйича амалий тажриба орттириши, меҳнат жамоасига мослашиши, касбий кўник-

зим. Бугун энергетика, машинасозлик, қурилиш, кимё, ахборот технология-лари каби барча техник соҳалар жадал ривожланмоқда. Бу соҳаларга кечаги билим билан эмас, эртанги техноло-гияларни бошқара оладиган мутахас-сислар керак. Бу вазифани эса дуал таълимсиз тўлиқ ҳал этиб бўлмайди. Шу маънода, дуал таълим — давр та-лабидир. У олий таълимнинг сифати ва нуфузини оширади, битирувчилар-нинг бандлигини таъминлайди, иш бе-рувчиларнинг кадрларга бўлган эҳтиё-жини қондиради ҳамда университет-ларнинг иқтисодиёт билан алоқасини мустаҳкамлайди. Энг муҳими, мамла-кат тараққиёти учун инсон капиталини янги босқичга кўтаради. Университет жамоаси Президенти-

■ **ҲИДОЯТ**

# УЛУҒЛАРГА БЕҲУРМАТЛИКНИНГ ОҚИБАТИ

**Сўнгги вақтларда ижтимоий тармоқларда ҳар хил кимсалар, айниқса, беомоҳабхиликни тарғиб қилувчилар томонидан нафақат юртимиз улаомлари, балки маъзаб асосчилари бўлган мухтажд зотларга нисбатан ҳам ахлоқсиз иборалар ишлатилаётганига гувоҳ бўлиб қоляпмиз. Ҳа, яширадиган жойи йўқ: интернетда уламо ва аҳли илмни камситиш, масхаралаш, ҳақорат қилиш ҳоллари кузатилмоқда.**

Бутун дунё мусулмонларни ҳамфидр бўлган, илм диним ижмоъ қилган (бир ҳовидан маъ-қуллаган) масалалардан бири — улаомларни масхаралаш, ҳақорат қилиш ёки камситиш-нинг ҳаромлигидир. Илмни инсонлар ҳурмат-иззатга бошқалардан кўра сазоворроқ эканига шак-шубҳа йўқ. Ҳақ таоло: “*Агар билмайдиган бўлсангиз, зикр аҳлидан сўрангиз*” (**Анбиё сураси, 7-оят**) деб, уларнинг даражасини Ўз илоҳий эътибори билан юксалтириб қўйган. Аллоҳ таоло Қуръони каримда илм аҳлини мактаб бундай дейди: “*Эй мўминлар! Қачонки сизларга билгилешларда “(даврани) кенгайти-рингиз!” дейилса, бас, кенгайтирингиз, Аллоҳ сизларга ҳам (керак пайтда кен) жой берур. Яна қачонки “турингиз!” дейилса, дарҳол турингиз! Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража (малоба)ларга кўтарур. Аллоҳ қилаётган (барча яхши ва ёмон) амалларингиздан хабар-дордир”* (**Мужодала сураси, 11-оят**).

Олимга душманлик қилган одам Аллоҳга уруш эълон қилган кабирдир. Ҳақ таоло билан урушга кирган кимса эса ҳеч қачон ғолиб бў-лолмайди. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва-саллам бундай деганлар: “*Аллоҳ таоло: “Ким*

*менинг дўстимга душманлик қилса, унга уруш эълон қиламан”, дейди*” (**Имом Бухорий ри-вояти**).

Ибн Ҳажар Асқалоний: “*Аллоҳнинг дўсти — Парвардигорни танийдиган ва доим Унинг тоатида бўладиган олимдир*”, — деган.

Ибн Жавзий шундай ёзади: “*Ким мусулмон-ларнинг обрўсига тил теккизса, уларнинг турноғи остидан кир қидириб, айбларини очишга уринса, ўлим келган пайтда Аллоҳ унинг тилини шаҳодат қалимасини айтиш-дан тўсиб қўяди*”.

Улаомларни калака қилишга уриниб, ҳурли видеоларни монтаж қилаётган ва улар билан ҳақоратли гапларни пост сифатида жойлаёт-ганлар ажал остонасида тили қалимага кел-май қолишидан кўрксалар бўларди. Уламо-ларни масхара қилишга уринаётган тил, оёқ ва кўллар қиймат кунни ўз эгаларига қарши гувоҳ-лик беришидан ҳадиксирасинлар.

Ибн Асокир эса: “*Ким улаомларни ҳақорат-лаш ёки уларга тухмат қилишда тилига эрк берса, вафотидан олдин Аллоҳ таоло уни қалб ўлимига ғирифтор қилади*”, — деган.

“Абу Ҳанифа ундай”, “Имом Бухорий бун-дай” дейдиганларга ҳар қанча тушунтирманг, тушунишни исташмайди. “Ҳой, тилингизга эрк берманг, улаомларга тош отманг, тилингизни тилинг”, дейсиз, лекин бефойда.

Суҳайл Андалусий ҳикоя қилади: “*Бир кўш-нимиз бор эди. Аллоҳ унга бойлик ва обрў бе-риб қўйган, жуда бадавлат эди. Аммо энг ёмон одами — дин олимларини калака қилиш ва уларга азият бериш эди. Бир кун Аллоҳ розилиғи учун унга насихат қилганимда, мени камситиб, уйдан ҳайдаб солди. Аллоҳга қа-самки, орадан 20 йил ўтиб, у фалаж бўлиб қолди, мол-дунёсидан айрилди. Мухтожлик-*

*дан шаҳар бозорида тиланчилик қила бош-лади. Кейин бирдан бозорда кўринмай қолди. Орадан уч кун ўтиб, бозор орқасидаги таш-ландиқ, ҳароба жойдан жасади топилди. Бу-тун шаҳар улаомларига азият етказган бу инсоннинг умри мана шундай аянчли якун топди*”.

Имом Нававий шундай дейди: “*Ибн Аббос розияллоху анҳумо: “Ким фақиҳга азият ет-казса, Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва-салламга азият етказибди. Ким Расулulloҳ сол-лаллоху алайҳи ва-салламга азият етказса, Аллоҳ таолога азият етказибди”, деганлар*”.

Бу ердаги “азият етказиш” деганда, абалта, жисмоний зарар эмас, балки камситиш, ҳақо-рат қилиш, илмни менсимаслик ва обрўсизлан-тириш назарда тутилади.

Улаомларни ҳақорат қилиш Пайғамбар сол-лаллоху алайҳи ва-салламнинг меросларини камситишга, бу эса, ўз навбатида, Аллоҳ таоло-нинг динига ҳурматсизлик қилишга олиб боради.

Абдуллоҳ ибн Муборак: “*Ким олимларни ерга урса, охираги барбод бўлади; ким амир-ларни ерга урса, дунёси барбод бўлади; ким биродарларини ерга урса, одамгарчилиғи бар-бод бўлади*”, — деган.

Олимларни рисоладагидек ҳурмат қилмай, ҳақларини муносиб равишда адо этмай туриб, фарзандларимизни эл-юрт, жамият, қолаверса, бутун дунёга фойдаси тегадиган етук шахслар — олиму зиёли, шифокору муҳандис, табдир-кор инсонлар этиб улғайтиришнинг иложи йўқ. Бу — бамисоли уруғни ерга қадамай туриб ҳо-сил қутишдай гап.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анҳумо Умар ибн Хаттоб розияллоху анҳуга нисбатан шу қадар одоб сақлаган эканки, илмий маса-лалардан бирини сўраш учун орқаларидан бир



йил давомида юриб ҳам, ҳайбатларидан ҳай-қиб, сўрай олмаган эканлар.

Суфён ибн Уъйя: “*Солиқлар ёдга олинган жойда Аллоҳнинг раҳмати ёғиладу*”, — дейди.

Имом Аҳмад бего бўлиб ётганида ҳузу-рида улаомлардан бири тилга олинди. Шунда у зудлик билан ўтириб олди-да: “*Солиқ киши-лар тилга олинаётганда бизнинг ёнбошлаб ётишимиз одобдан эмас*”, — деди.

Ҳозир интернет тармоқлари орқали уламо-лар билан ўзига тортишаётган, уларга савол беришда одобсизлик ва қайсарлик қилаёт-ганлар юқоридаги ҳақиқатни яхшилаб англаб олишлари керак. Улаомларнинг ҳатто номи зикр қилингандаёқ ҳурмат кўрсатиш лозим экан, демак, улар билан бўладиган ҳар қандай мулоқотда одоб доирасидан чиқмаслик шарт.

Қолаверса, нафақат илм аҳлига балки ҳар бир инсонга озор беришнинг энг оммалашган ва кўпчилик эътибор бермайдиган кўриниши — инсоннинг обрўсини тўкиш, ғийбат қилиш, тух-мат ва бўҳтон тошларини отишдир.

Имом Авзоий: “*Аҳли илмнинг, хусусан, уларнинг улуғлари ортидан ёмонлаб гапириш гуноҳи кабиралардандир*”, — деган.

Шахсий кузатув ва тажрибалари асосида синовдан ўтказган улаомлар шундай дейди-лар: “*Ким улаомларни ғийбат қилса, улар ҳа-қида нолойиқ сўзларни айтса, одамлар ора-сида айбини ошкор этса ва шундан кейин қилган иши учун улардан кечирим сўраб, ро-зилигини олмай, тавба қилмай вафот этса, қиймат кунига қадар унинг зурриётидан илм одами чиқмайди*”.

**Абдувосн ШОНАЗАРОВ,**  
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими.

## ЭЪТИРОФ

**Зера опа ўзини андижонлик дейди. Қисматнинг оғир тошлари уларни Қримдан юртимиз томонларга улоқтиргач, шу ернинг нон-тузини тоғиб улгайди. Кейинчалик ўз Ватанига қайтишган бўлса-да, ҳамон болалиги ўтган маъсум дамларни, меҳр-оқибати элларга дoston бўлган ўзбек халқини соғинади... Ҳавола этилаётган мазкур хотира лавҳалари, аслида, қардошимизнинг Ўзбекистонга аталган ана шундай самимий изҳорлари, соғинч муждаларидир.**

### АРАФА

— Қани, болалар, бугун арафа, ҳали қовурма сомса қилишимиз керак. Тезроқ хамир қориб, сомсаларимизни эртарақ пишириб олайлик, — деди онам катта тоғорада хамир қоришга киришаркан.

Ҳа, бугун ўзиям юзтача шундай сомса (чебурек) пиширилади. Уларни еттига қўшимизникига олиб чиқишимиз керак. Ҳисоб-китоб қилсак, ўзимиз саккиз жонмиз. Ҳар биримиз икки-учтадан есақ ҳам, анча қолади. Қўшимиз Мамасодиқ акаларнинг оиласи олти жон, Бўри-вой акаларники ўн жон, Тешавой акаларники тўққиз жон, Ўғилхон аяларники беш, Хадича хоналарники етти... Месхети туркларидан бўлган қўшимиз Помпұл опаларнинг оиласи эса ўн икки жон, Нуъмонжон акаларники эса ўн бир жон эди. Онам хамир муштаркан:

— Ҳеч бўлмаганда, ҳар бирининг улушига биттадан қовурма сомса тегсин-да! — дерди.

Ҳовлидаги ўчоқ устига осилган қозонда пишган сомсаларимиз катта лаганга териб бориларди. Кейин энг чиройли палла бошланарди: кетма-кет қўшнилариимиз бизникига палов олиб келишарди. Етти қўшнидан етти хил палов! Қай бирини айтай: қўй гўштли, товўқ гўштли, мол гўштли, нўхатли, анорли, саримсоқ солиб дамланган палов...

Биз эса косаларни бўшатиб, ҳар бир оиладаги одамлар сонига қараб сомса солардик. Болалар қувонч билан уйларига қайтишарди.

Шундай пайтда маҳаллада ўзгача бир шодлик, умумий бир жўшқинлик ҳукм сурарди. Бу улўғ байрамнинг энг катта неъмати ҳам, энг буюқ аҳамияти ҳам шунда эди: у бир динга мансуб турли миллат вакиллариини бирлаштиради, қўшнилариини бир-бирига ҳақиқий оиладек ақинлаштиради, қалбларга меҳр-оқибат ва аҳиллик туйғусини олиб кирарди.

### “ҚИСИР ОШ”

— Қўшни, ҳой, қўшни! — деган овоз эшитилди. Бу қўшнимиз Хулқархон аянинг овози эди. — Ош олиб келдим. Айбга буюрмайсиз, бугун ошимиз “қисир” бўлди-да, — деди у хи-жолат бўлиб, таомни онамнинг қўлига тутқазаркан.

Пахта гулли косадаги паловнинг усти майда тўрралган оқ пиёз, қуритилган помидор бўлаклари ва қайнатилиб тозаланган туҳум билан безатилган бўларди. Буёғини сўрасангиз, “қисир ош” дегани — гўштсиз палов. Аслида, бу сўз кўпроқ бўғоз бўлмайдиган қўй ёки сиғирларга нисбатан ишлатилади. Нега айнан бу атама гўштсиз ошга нисбатан қўлланилишини ҳалигача тушунмайман. Аммо бор ҳақиқат шундаки, у палов тушмағурни жуда иштаха билан ердик. У ҳатто энг сергўшт таомлардан ҳам мазалироқ туюларди.

Хулқархон ая ҳафтада икки марта — якшанба ва пайшанба кунлари албатта уйда палов пиширар, шу кунлари бизникига ҳам ош чиқарарди.

“Қўшни ҳақи” — ўзбеклар учун муқаддас тушунча. Ҳовлида етиштирилган мева-саб-завотда ҳам, қозонда пишган ошда ҳам, тан-дирда ёпилган нонда ҳам, сомса-ю куччаларда ҳам қўшнинг ҳақи бор деб билишарди.

Бу серҳиммат миллат асрлар давомида, ҳатто энг оғир кунларда ҳам ҳеч қаерда ёзилмаган мана шу қондага содиқ қолиб келган. Бу қонда эса инсонийликнинг энг олий ифодаси эди.

### БИР КОСА ШЎРВА

“Қўшни ҳақи” ҳақида сўз кетганда, онамнинг мана бу болалик хотираларидан бири ҳам доим ёдимга тушади.

1944 йил июнь ойининг ўрталари. Қуёш гўё осмондан ерга олов сочар, жазирамадан жон сақлаш дарғумон эди. Айниқса, биздек сургунга мубтало бўлган бахтиқаролар учун бу кунлар нақ жаҳаннамнинг ўзгинаси эди. Ил-гирма икки кунлик узок ва машаққатли йўлдан кейин ота-онам, икки бувим, икки акам ва укаларим бизга ажратилган мўъжаз юкхонада, шундоқ ерга тўшалган бўйра устида мадорсиз узапа тушиб ётардик. Фақат мен бироз дуруст, оёқда эдим.

Шу пайт қаердандир бир овоз эшитилди:

— Иссиққина шўрва. Ҳеч бўлмаса, бир қошиқдан бўлса ҳам ичинглар, — деди эшик олдида бошдан-оёқ ўраниб олган, юзига тўрпарда тутган бир аёл ориқ қўли билан идишни

узатаркан. Аёлнинг гаплари тилимизга ўхшаб кетса-да, сўзларининг ярмини аранг тушундим. Косадаги шўрвани қандай қилиб тўққиз киши ўртасида тақсимласам экан, деб ўйладим-да, кейин ҳаммага бир қошиқдан ичирдим. Уша куни кун давомидаги таомимиз шу бўлди.

Онам менга:

— Албатта у аёлга раҳмат деб қўй, — деб

бор эди, холос. Қолаверса, нафақат шу эшик, балки уйларимизнинг асосий эшиклари ҳам сира қўлфланмасди. Қалит қаерда туришини на улар биздан яширар, на биз улардан. Уртадаги шу эшик ёнига эса қўп ўтмай икки оила шериклиқда сотиб олган тандир ўрнатилди. Энди нафақат эшигимиз, балки ризқимиз, меҳримиз ҳам бир бўлди.

Ўқимишли инсон деб ҳис қилар, ғурур билан юрардим. Меҳмонга юзланарканман, дарҳол ўрнимдан туриб салом бердим.

— Қизим, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи билан Абдулла Қаҳҳорнинг “Синчалак” асари борми? Фитрат ёки Чўлпоннинг ҳам бирор китоби бўлса нур устига нур бўларди, — деб сўради.

# “ЎЗБЕКИСТОН — МЕНИНГ ҲАМ УЙИМ, ЭЪЗОЛИ ВАТАНИМ”



тайинлади.

Бўш идишни қайтариш одобдан эмас, унга бирор нарса солиб бериш керак эди. Аммо бизда қўядиган ҳеч вако йўқ эди. Косани яхшилаб ювдим. Эртаси куни ўша аёл яна шўрва олиб келди ва кечаги косани индамайгина олиб кетди. Мен унинг ортидан югуриб:

— Раҳмат! — дедим. Бироқ у орқасига бурилиб ҳам қарамади, аксинча, қадамларини тезлатди.

Кейин билсам, уларга биз ҳақимизда: “Булар шохли-қуйруқли ғалати махлуқлар, ўз Ватанига хиёнат қилган хоинлар. Уларга яқинлашманглар!” деб қўрқитишган экан.

Аммо уруш ҳали тугамаган, фронт ортидаги одамларнинг рўзғори нураб қолган, бошқани қўя туройлик, ўз норасидаларига ҳам базўр нон топиб едираётган замон эди. Шундай пайтда ҳам ўзбек аёллари шундоқ ҳам қўл учида теб-ратаётган рўзгоридан, фарзандларининг ризқидан қийиб, бизга овқат келтиришарди.

Орадан бир-икки ҳафта ўтиб, ота-онам, жигарларим бироз ўзига келишди. Аммо энди тиф касаллиги мени йиқитганди. Иситмам баланд, алаҳсирайман, терга пишиб ётаман. Шундай пайтлари ҳам бир коса шўрва жонимга дармон бўларди. Онам мендан шўрва ташиб келган аёлнинг исмини, қаерда яшашини сўрайди.

Қани билсам... Бироқ бир нарсани аниқ билардим: ўша ўзбек аёли келтирган бир коса шўрва оиламизни очликдан ҳалок бўлишдан қутқарган мадад, одамийликнинг энг гўзал тим-соли эди.

### ЭШИК

Пахтачилик совхозининг энг илғор ишчиларидан бири бўлган отамага янги қурилган котежнинг ярми берилди. Бу икки хонадонга мўлжалланган уй эди. Қўшнимиз — совхознинг илғор мироби Мамасодиқ аканинг оиласи эди.

Отам билан қўшнимиз биргаликда уй атрофини ягона девор билан ўраб чиқишди. Бир томининг остида икки оила баҳамжихат яшаё бошладик. Икки ховлини ажратиб турган деворга кирди-чиқди учун эшик ўрнатилди.

Қизиги, у на бизнинг томондан, на уларнинг томонидан қўлфланарди. Фақат тутқичи

### “СЕН”ДАН “СИЗ”ГА

Мен туман марказидаги рус мактабида ўқирдим. Маҳалламиздаги болалар эса қишлоқ мактабида ўзбек тилида таҳсил олишарди. Болалигимиздан ҳаммамиз тенгқур бўлганимиз учунми, пахта даласида бўламлими ёки қўй боққани чиқамизми, бир-биримизга доимо “сен” деб гапирардик.

Мактабни битириб, институтга ўқишга кирдим. Бир шанба куни уйга қайтар эканман, йўлда болалик дўстим Толибни учратиб қолдим.

— Ассалому алайкум, Толиб! Қалайсан, яхшимисан? Уйдагилар тинчми? — дедим одатдагидек унга.

— Ва алайкум ассалом, Зерахон, раҳмат. Ўзингиз яхшимисиз? Ўқишлар билан чарчамай юрибсизми? — деди ҳамқишлоқ дўстим.

— Нима бўлди, жинни-пинни бўлиб қолдингми, ўртоқ? Мен энди сенга бегона бўлиб қолдимми? Нега “сиз”лаб гапиряпсан? — дедим ранжиганимни яширмай, қўлини сиқиб саломлашарканман.

У кулимсираб, хижолат чеккандек жавоб берди:

— Йўғ-э! Энди сиз институтда ўқияпсиз-ку. Эртага ўқитувчи бўласиз, кейин катта олим ҳам бўларсиз, насиб қилса. Энди сизга “сен” деб гапириб ноқулай, ярашмайди-да, Зерахон.

Унинг шу биргина жавоби орқали ўзбек халқи илм аҳлига, ўқимишли инсонларга нақадар юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишини англадим.

### КУТУБХОНА — ТАЖРИБА МАКТАБИ

Мактабни аъло баҳолар билан тугатган бўлсам-да, биринчи йили институтга кира олмадим. Ярим балл етмади. Уйда эзилиб ўтирардим, ҳатто кўчага чиқишга ҳам уялардим.

Бир куни эшик тақиллади. Қишлоқ кутубхонасининг мудираси Ҳалима опа келибди: У хонага кириши билан шоями гап бешлади:

— Йиқилганингизни эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Қўяверинг!

— Оғзингиздан шамол учирсин! Нега хурсанд бўласиз? — дедим аччиқланиб.

— Вой, ўргилмай, мен декрет таътилига чиқяпман. Ўрнимга одам топишим керак. Бу иш сизга жуда мос. Кутубхонадаги китобларнинг деярли ҳаммасини биласиз. Қолаверса, рус тилидагиларнинг ҳаммасини ўқиб чиққансиз. Ҳеч қийналмай ишлайверасиз. Бир йилдан кейин мен декретдан қайтаман, сиз эса институтга кирасиз. Гап тамом, вассалом! — деди Ҳалима опа қатъий қарор билан.

Эртаси куни туман халқ таълими бўлимига бирга бордик. Шундай қилиб, камина кутубхоначи бўлиб иш бошлаб юбордим.

Ўзбек тилида эркин гаплаша олсам-да, адабий тилда ёзилган асарларни ўқишда анча қийналардим. Бунинг устига, рус мактабида ўқиганим учун ўзбек адабиётини деярли билмасдим.

Бир куни эшик очилиб, останада кекса бир отахон кўринди. Унгача мен бутун умр кутубхоначи бўлгандай, ўзимни жуда билимдон,

— Ҳозир тоғиб бераман, — дедим одатимча ўзимга ишонч билан, касбий билимимни кўрсатишга уриниб.

Сўнг у:

— Ўзингиз ҳам бу китобларни ўқиган бўлсангиз керак-а? — деб қолди.

Мен эса ҳеч иккиланмай:

— Мен рус мактабида ўқиганман. Сиз айтган Қодирий, Фитрат, Чўлпонни билмайман, — деб шартта жавоб бердим.

Бундан ҳам аҳмоқона жавоб бўлиши мумкинми, айтинг? Кекса киши ҳайрат билан менга қараб турди-да:

— Ие, тавба! Ўзбек адабиётининг энг буюқ намоёндаларини билмасангиз, асарларини ўқимаган бўлсангиз, бу ерда нима қилиб ўтирибсиз? — деди.

Унинг дашноми бошимдаги хаёлий тожни ер билан яқсон қилди. Қани, ер ёрилса-ю, кириб кетсам, деб ўйладим.

Шундан кейин ҳар куни ишдан қайтаётганда ёнимга ўзбек тилидаги бадий асарни олиб кетишни одат қилдим. Тушунмаган, билмаган сўзларимни қалин дафтарга ёзиб олар, кейин луғатлардан уларнинг маъносини қидирардим. Кутубхонада ишлаган бир йил давомида мен Алишер Навоий, Заҳрирдин Муҳаммад Бобур, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Зулфия, Эркин Воҳидов, Ҳалима Худойбердиева, Абдулла Орипов каби адибларнинг асарларини ўқиб чиқдим.

Бундан ташқари, Александр Дюма, Стен-Даль, Теодор Драйзер, Оноре де Бальзак, Эмиль Золя, Ги де Мопассан каби жаҳон адиблари асарларининг русча таржималари кутубхонада тақчил бўлгани учун уларнинг ўзбекча таржималарини мутолаа қилдим. Бу эса кейинчалик институтда ўқишим давомида менга жуда асқатди.

Бир йил ичида ўзбек тили бўйича билимим тобора мукамаллашиб борган сари қадимий ўзбек тилининг бениҳоя бойлиги, теранлиги ва нафосатига мафтун бўлиб бордим. Бу ҳайратим ҳанузгача сўнгани йўқ.

### ҚУРЪОН ЎҚИЙДИГАН БАРОТ АКА

Ҳар жума куни онам тонгданоқ ҳозирлик қириб, алоҳида бир тансиқ таом пиширарди. Тўшдан кейин маҳалламизда яшайдиган Барот ака деган бир кекса одам келиб, уйимизда Қуръони каримдан тиловат қиларди.

Барот аканинг лаҳжаси бошқа ўзбек қўшнилариимизнинг нутқидан бироз фарқ қиларди. Кейинчалик билсак, у уйғур экан. У ҳам худди бизнинг оиламиз каби ўз Ватанидан жудо бўлган мусофирлардан эди. Бу ҳақда ўзи баъзида кўз ёш билан ҳикоя қилиб берарди.

Сургун қилинган ҳар бир крим-татар оиласи кийим-кечак, пул, тилла ёки озиқ-овқат олиб чиқишга улгурмаган бўлса-да (бунга уларга вақт ҳам берилмаган эди), деворга осилган Қуръонни ўзлари билан олишга муваффақ бўлганди.

Онамнинг онасидан мерос бўлиб қолган шундай муқаддас китоби бор эди. Лекин уни ўқий оладиган ҳеч ким йўқ эди. Онам баъзан уни қўлига олар, уч марта пешонасига теккизиб ўпар, сўнг бизга ҳам буни ўргатарди.



**Зера БЕКИРОВА,**  
Евроосиё Ёзувчилар уюшмаси ҳамда  
Украина Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,  
Қримдаги “NenkeCan” аёллар журнали  
бош муҳаррири.

Барот ака келганида онам китобни девордан олар, уни яна шундай уч марта пешонасига теккизиб ўлғач, эъозлаб Барот акага уза-тарди. Барот ака ҳам худди шу эҳтиромни так-рорларди.

— Аъзуз биллаҳи минаш-шайтонир роҳим. Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Йа син. Вал-Қуръанил ҳақим...

Муҳташам овозда муқаддас китобимизнинг юраги ҳисобланган “Ёсин” сураси янгради. Барот аканинг ширин овози, чиройли қироати бизга худди куйдек таъсир қиларди. Овоз чиқармасдан, жимгина тинглардик.

Онам эса секингина кўз ёшларини артиб кўярди. Бу овоз миллатимизга нажот бахш этган, унга руҳ ва умид бағишлаган, қалбларни Ватан соғинчи билан боғлаб турган Қуръони каримнинг сеҳри эди.

### “БУ СИЗНИНГ УЙИНГИЗ”

Қримга қайтганимдан сўнг, орадан ўттиз беш йил ўтиб, хизмат сафари билан Ўзбекистонга бордим. Табиийки, фурсат топиб, туғилиб-ўсган, болалигим ва ёшлигим ўтган Савай қишлоғига ҳам йўл олдим.

Биз совхознинг саккизинчи бўлимида яшардик. Уйимиз қишлоқнинг энг чеккасида эди. Маҳалламизга буриларканман, тиниқ ариқ-лари, ўриклари шигил пишган боғлари кўзимга оловдек кўринди. Уйимизнинг қаршисида бориб қараб туравердим, туравердим. Дилим ҳаяжонга, кўзим ёшга тўлиб борарди. Шу пайт дарвозадан бир келинчақ чиқиб, кўчага сув се-пиб, супура бошлади. “Ҳалиям қадриятларига содиқ-а!” деган ёруғ уй кечди бирдан. Пахта далаларига узок тикилиб турдим. Кейин яна ортимга қайтиб, уй олдида бироз тўхтадим.

Келин ҳам ишини тўхтатиб, менга юзланди: — Меҳмонмисиз, холажон? Кимникига келдингиз? — деб сўради.

Уйимизга ишора қилдим. Шунда жувоннинг порлаб турган нигоҳларига ҳайрат инди ва:

— Вой, бизникига келдингизми? — деди хурсанд бўлиб.

— Шу уйда туғилганман, — дея олдим базўр. Келинчақ ҳолатимни пайкаб:

— Ҳозир, — деди-да, шошиб уйига кириб кетди. Бир зум ўтмай уйнинг каттасини — қай-нотасини бошлаб чиқди. Отахон билан салом-алик қилганимиздан сўнг:

— Хуш келибсиз, синглим. Қани, уйга марҳамат, — деди хушмуомалалик билан.

— Раҳмат. Мен зейратга келгандим. Кўрдим, етади, — дедим.

— Кимнинг қизи бўласиз? — сўради мезбон. — Отамнинг исми Баҳовуддин, онам Наҳия эди, — дедим.

Мезбоннинг юзи бирдан ёришиб кетди. Худди қариндоши останада туриб қолгандек:

— Ия, сиз Наҳия опанинг қизимисиз? Қани, ичкарига киринг. Онаси, қаранглар! — деб кўярда-қўймай ичкарига олиб кириб кетишди.

Дарвозадан ҳатларканман, қани, ховлига қадам боса олсам... Уйнинг ҳолати, албатта, ўзгарган, лекин менга ҳамма нарса болалигимни эслатарди. Худди биз олти опа-сингил ховлида қувлашмачоқ ўйнаб юргандек, онам тандир бошида нон ёпаётгандек... Бўзимга соғинчми, аламли, армонли — нимадир тикилди... Ўша куни қўшнилар ҳам “меҳмон келди” деб йўқлаб чиқишди. Ўтган-кетганларни, маҳаллада яшаган кримлик дўстларни алқаб эслашди.

— Наҳия холам ёлган нонларнинг иси маҳалланинг бошга борарди-я, мазаси ҳали оғ-зимизда, — дейишди аёллар.

Уларни жилмайиб эшитаман, соғиниб тинглайман. Водийча шевани, қадрли гўша одамларини кўриш, сўхбатлашми қанчалик ёқимли! Мен ҳам хотираларимни бўлишаман.

Мезбонлар ҳар гапининг берида: “Сиз бегона эмассиз, ахир бу сизнинг уйингиз!” дейи-шади. Ич-ичимдан миннатдор бўламан. Миж-жаларим ёшланади. Ота-онам бу уйни сотиб кетишган эди. Янги уй соҳиблари ўттиз беш йилдан ортиқ вақт давомида унинг қонуний эгалари бўлиб яшаган бўлсалар-да, менга: “Бу сизнинг уйингиз”, деб айтиши нақадар юксак жавонмардлик эканини таърифлашга сўз охиш.

...1944 йилда Қримдаги уйларидан ҳеч нарсасиз қувиб чиқарилган халқимизнинг уйла-рига бепул жойлаштирилган, йиллар давомида уларнинг мол-мулкдан фойдаланиб яша-ган одамлар вақт ўтиб, Ватанига қайтган ҳақиқий эгаларини қандай қарши олдилар? Рос-тини айтсам, “Бу сизнинг уйингиз”, деган би-рор инсон топилмади. Бор-йўғи бир неча киши уларни ҳовлисига киритишга рухсат берди, хо-лос. Лекин улар ҳам “Бу аслида сизнинг уйин-гиз”, демадилар. Қолганлари эса итларини кў-йиб юборишди, милиция қақиритди, қалтакла-тишди, ҳатто каматишди...

Мана шунинг учун ҳам 1944 йилда беш мам-лакатга сочиб юборилган халқимизнинг энг катта қисмини бағрига босган, инсонийликка ўрнат бўлган Ўзбекистон биз учун иккинчи Ва-тан, иккинчи уйга айланди...

*Қрим-татар тилидан  
Наргиза АСАДОВА  
ўзбекчалаштирди.*



## ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИ ДОЛЗАРБ ТАШАББУСЛАРНИ ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШДА ДАВОМ ЭТМОҚДА

1-6

Хусусан, сув ва энергияни тежаш, чиқиндиларни тўғри бошқариш, атроф-муҳит ифлосланиши каби кундалик ҳаёт билан боғлиқ масалаларни кенг ёритиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Давра суҳбатда экологик йўналишда журналистлар ва жамоатчилик вакилларини бирлаштирадиган махсус клуб ташкил этиш ташаббуси ҳам илгари сурилди. Мазкур клуб экология мавзусини ёритаётган журналистлар учун тажриба алмашиш, мутахассислар билан мулоқот қилиш ва янги медиалойиҳаларни амалга ошириш имконини берадиган очиқ платформага айланиши кўзда тутилмоқда.

Тадбир якунида экологик маданиятни юксалтиришда журналистларнинг ўрни ва имкониятларини кенгайтириш, экологик мавзудаги материаллар сифатини ошириш ҳамда янги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш бўйича таклифлар билдирилди.

Бу каби ташаббуслар Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг соҳа ходимларини бирлаштириш, уларнинг касбий ва ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш ҳамда жамиятдаги долзарб масалаларни ёритишда медиа имкониятларидан самарали фойдаланишга қаратилган фаолитининг амалий ифодасидир.

## “GAZETA.UZ” ИНТЕРНЕТ НАШРИ — НАВҚИРОН ЁШДА!

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси “Gazeta.uz” сайти ташкил этилганига 18 йил тўлиши муносабати билан тахририят жамоасини табриклади.



“Gazeta.uz”нинг ўтган йиллар давомида жамият ҳаётидаги долзарб масалаларни жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқиш ва муҳим ўзгаришларни ёритишдаги ҳиссаси алоҳида эътирофга молик эканлиги эътиборлидир. Хусусан, тахририятнинг бугунги кунда ўзига хос услуби ва ишончли ахборот манбаи сифатидаги нуфузи юқорилиги ҳамда замонавий медиа маконида муносиб ўринга эгаллигини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Интернет нашрининг айна навқирон ёшдалиги ва шу қисқа вақт ичида ўз ўқувчиларини топганининг ўзи алоҳида қўтловга эга.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси  
Ахборот хизмати.

## ҲАМКАСБ

Орамизда шундай одамлар борки, улар ўз зиммасидаги вазифани адо этишга нафақат билими ва салоҳияти, балки қалб кўри-ю меҳрини ҳам баҳшида этади. Касбига бўлган садоқати ва фидойилиги туйғайли эл-юрт орасида обрў-эътибор топади. Ана шундай инсонлардан бири — мана 14 йилдирки, “Жиззах ҳақиқати” ва “Джиззакская правда” газеталарига раҳбарлик қилиб келаётган Баҳодир Назаровдир.

Баҳодир Назаров журналистлик фаолиятини вилоятнинг бош наشري — “Жиззах ҳақиқати” газетасида бошлади. Мухбир, катта мухбир, бўлим мудир, бўлим муҳаррири ҳамда масъул котиб вазифаларида фидойилик билан ишлаб, қалами ўткир ва шиқоатли журналист сифатида эл-юртга танилди.

Вилоят ҳокимлигида масъул вазифаларда — референт, бош мутахассис, вилоят ҳокимининг ёрдамчиси лавозимларида самарали фаолият кўрсатиб, вилоятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўлди.

2012 йилда Баҳодир Назаровнинг ҳаётида янги давр бошланди. Тақрибали мутахассис “Жиззах ҳақиқати” — “Джиззакская правда” газеталарига бош муҳаррир этиб тайинланди. Ана шу кундан бошлаб тахририят унинг иккинчи уйига айланди, десак, муболага бўлмайди. Бош муҳаррирнинг ташаббускорлик ва ташкилотчилик қobiliяти айнан шу йилларда янада ёрқинроқ намоён бўлди. Бу давр мобайнида у воҳада ўзига хос журналистика мактабини ярата олди. Газеталарнинг мазмун-мундарижаси тубдан ўзгариб, дизайнни янгилади. Тахририят иш жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилди. Замонавий рақамли тахрир тизими йўлга қўйилиб, газеталарнинг веб-сайти ва Телеграм канали ташкил қилинди. Замон билан ҳамнафас ҳолда ишлаётган газеталарнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий веб-сайти — “jizzaxnews.uz” ҳамда Телеграм канали — “t.me/jizzaxnews\_press” фаолияти йўлга қўйилди. Газеталарнинг веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари фаоллаштирилиб, онлайн контент тайёрлаш ҳамда тезкор ахборот тарқатиш амалиётига ўтилди.

Тахририят ўз студиясига ҳам эга бўлди. Унда турли видеоматериаллар, давра суҳбатлари, долзарб мавзуларда интервьюлар ҳамда юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган ватандошларимиз ҳақида кўрсатувлар тасвирга оlinиб, Телеграм каналида намоиш



этиб борилмоқда. Шунингдек, тахририят замонавий компьютер техникаси, фото ва видеоускуналар ҳамда мобиль журналистика воситалари билан таъминланди. Рақамли архив яратилди ва материаллар базаси шакллантирилди.

Газеталар саҳифаларида кўплаб янги рукнлар ташкил этилиб, вилоятда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар, янгилиниш ва ўзгаришлар, муаммолар атрофича ёритилди. Тахририятдаги ҳар бир ходим янгича ишлаб, креатив фикрлай бошлади. Натижада газетхонлар севиб мутолаа қиладиган публицистик жанрдаги ва танқидий-таҳлилий мақолалар кўпайди.

Бугунги кунда юртдошларимиз мазмундорлиги ва долзарблиги ошган, сифат жиҳатдан ўзгарган газеталарни севиб мутолаа қилмоқдалар. Вилоят нашрларининг республикадаги энг етакчи газеталар қаторидан ўрин эгаллашда, албатта, соҳа фидойисининг хизматлари бекиёс.

Шу ўринда Б.Назаровнинг ташаббускорлиги ва ташкилотчилигини эслаб ўтиш жоиз. Узоқ йиллар давомида тахририят жойлашган “Матбуот уйи” биноси таъмирга муҳтож аҳволда эди. 2018 йилда бош муҳаррирнинг саъй-ҳаракати билан “Матбуот уйи” биноси тўлиқ таъмирланиб, замонавий кўринишга эга бўлди. Тахририят ходимлари кенг ва ёрғу хоналарда, қулай иш шaroитларида ишлаб бошладилар. Ходимларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилди, фахрийларни қўллаб-қувватлаш ишлари намунали йўлга қўйилди.

Бугунги кунда Баҳодир Назаров ёш журналистларни доимий равишда қўллаб-қувватлаб, уларга ғамхўрлик қилиб келмоқда. Тахририятда “Устоз-шогирд”

анъанаси йўлга қўйилган. Устоз журналистлар ёшларга ижодий тажрибаси ва маҳоратини ўргатиб келмоқдалар. Шунингдек, тахририят қошида журналистика соҳасига қизиқувчи ёшлар учун маҳорат дарслари ва ёш ижодкорлар мактаби ташкил этилган. Жиззах шаҳридаги Қозон федерал университети филиалининг журналистика факультети ҳамда Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ижод мактаби билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Нуфузли университет филиалининг талабалари ҳар йили тахририятда амалиёт ўташади. Ёш ижодкорлар мактаби ўқувчилари билан ижодий учрашувлар ва “Маҳорат дарслари” ўтказиб келинмоқда. Бугунги кунда Б.Назаровнинг шогирдлари республика нашрлари ҳамда ахборот хизматларида муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Тахририят сўнгги 5 йил давомида Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган танловларда ғолиб чиқиб, 4 марта грант маблағларини олишга муваффақ бўлди. Шунингдек, Б.Назаров муаллифлигида “Жиззах ҳақиқати” ва “Джиззакская правда” газеталари чиқа бошлаганининг 40 йиллигига “Қайноқ ҳаёт солномаси”, 50 йиллиги муносабати билан эса тахририятда ишлаб кетган ва ҳозирда фаолият юритаётган ижодкорлар ҳаёти ва фаолиятига оид “Ҳаёт билан ҳамнафас” номли китоблар чоп этилди.

Б.Назаров Халқ депутатлари вилоят кенгашининг депутати, Кенгашнинг Коррупцияга қарши курашиш ва хавфсизлик масалалари бўйича доимий комиссияси раиси сифатида ҳам кўплаб хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. Унинг

депутатлик фаолияти бевосита сайловчиларнинг дарду ташвишлари билан яшаш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш билан боғлиқ. Ўтган даврда депутат ўзи сайланган 23-Зафаробод туман округи ҳудудида кенг қўламли ишларни амалга оширди.

Зафаробод туманидаги “Тинчлик” ва “Чўллуғулистон” маҳалла фуқаролар йиғинларида “Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла” дастурига мувофиқ ички йўллар тўлиқ реконструкция қилинди. Зафаробод туманини Пахтакор тумани билан боғлаб турувчи йўл қайта таъмирланди. Депутатнинг саъй-ҳаракати билан тумандаги “Бирлик” ва “Чўллуғулистон” маҳалла фуқаролар йиғинларида “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида лотоклар қурилиб, аҳоли томорқалари оқар сув билан таъминланди. Бундан ташқари, депутатлик сўровлари натижасида туманда аҳолини газ, электр энергияси ва ичимлик суви билан таъминлаш, ободонлаштириш масалалари ҳал этилди. Айни пайтда у Зафаробод туманини “Янги Ўзбекистон” қиёфасидаги ҳудудга айлантириш бўйича комплекс ишларни амалга оширишда фаол иштирок этиб келмоқда.

Баҳодир Назаровнинг соҳа ривожига қўшган ҳиссаси давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. Бугун унинг кўксини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10, 25 ва 30 йиллиги ҳамда “Мазнавият фидойиси” кўкрак нишонлари беэаб турибди.

Баҳодир Назаров — оилапарвар инсон. У турмуш ўртоғи Манзура Назарова билан уч нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Фарзандлари олий маълумотли бўлиб, турли соҳаларда самарали фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Невралари эса уларнинг ардоғида тарбия топмоқда.

Шу йиллар мобайнида у ҳаёт йўли ёшларга ибрат бўлган устоз журналист, эл-юрт хурматиға лойиқ инсон бўлиш бахтига муяссар бўлди. Устоз журналистга: “Ана шундай жўшқин меҳнатдан чарчаманг, ҳар доим фарзандларингиз, невараларингиз, шогирдларингиз ва ҳамкасбларингиз қўршовида бўлинг”, — деймиз. Эл-юрт хизмати йўлидаги серқирра фаолиятингизда омад ёр бўлсин! Янги Ўзбекистонимиз ва унинг журналистикаси учун бундан буюн ҳам астойдил хизмат қилишга камарбаста бўлиб юришингизга тилақдошимиз.

Васил ИЛЁСОВ,  
“Жиззах ҳақиқати” газетаси  
бўлим муҳаррири.

## УЮШМА ҲАЁТИДАН

Блогерлар ҳақида гап кетганда, бир савол доимо кун тартибиде туради: уларнинг бугунги кунда ўрни қандай бўлиши керак? Уларнинг журналистикага нечоғлиқ алоқаси бор? Яна бир савол эса бундан ҳам муҳимроқ: ҳамма блогерларни ҳам ҳолис ва адолатли деб бўладими? Ким ва қандай тартибда қўллаб-қувватланиши керак?

Яқинда Блогерлар ижодий кенгашини ташкил этиш масаласи муҳокама қилинган учрашувда мен ҳам жараён иштирокчиси сифатида айнан шу саволларнинг турлича жавобларига гувоҳ бўлдим. Муҳокама давомида, бир томондан, блогерлар учун янги имкониятлар яратиш, уларнинг ҳуқуқий ва касбий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган таклифлар илгари сурилган бўлса, иккинчи томондан, айрим блогерларнинг “кенгаш” тушунчасига нисбатан эҳтиёткор муносабати сезилиб турди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси Шухрат Орипов томонидан билдирилган фикрларда кенгаш ташкил этилиши блогерлар учун янги имкониятлар эшигини очиши, уларнинг фаолиятини расмий асосга эга бўлган тизим орқали қўллаб-қувватлаш, мавжуд шароитлар ва имкониятлар қамровини кенгайтириш имконини бериши таъкидланди. Яъни, таклифнинг моҳияти блогерларни чеклаш эмас, аксинча, уларнинг овозини эшитиш, муаммоларини тизимли равишда кўтариш ва тегишли ташкилотларга етказиш учун муайян механизм яратиш сифатида тушунирилди. Аммо блогерларга сўз берилгач, муҳокаманинг бошқа томони намоён бўлди.

Айрим блогерлар “Блогерлар кенгаши”дан кўра “Блогерлар клуби” ташкил этилиши ва унинг имкон қадар эркин форматда фаолият юритиши тарафдори эканини билдирди. Уларнинг фикрича, бундан аввал ҳам блогерларни бирлаштириш ва бир майдонга жамлаш бўйича турли уринишлар бўлган, бироқ айрим ташаббуслар вақт ўтиши билан ўз самарасини йўқотган. Шу сабабли айрим иштирокчилар бу сафарги ташаббус ҳам бир марталик учрашувлар ёки номгагина мавжуд бўлган тузилма бўлиб қолмаслиги кераклигини алоҳида таъкидлади.

Бошқа блогерлар эса кенгаш ташкил этилиши ёмон фикр эмаслигини айтишди. Бироқ



унда раҳбар бўлиши, аъзоларни муайян йиғилишларга чақириш ёки иштироки талаб қилиш каби масалалар муҳокама қилинганда блогерлар эҳтиёткорлик билан ёндашди. Бу ерда муҳим бир жиҳат кўзга ташланди: блогерларнинг эътирозини, аслида, кенгашнинг ўзига эмас, унинг келажакдаги фаолият шаклига бориб тақалди. Чунки блогер — ахборот майдонида эркин фаолият юритувчи шахс. У ўз контенти, аудиторияси ва фаолият йўналишини мустақил белгилайди. Шунинг учун “кенгаш” деган тushунча айримларда беихтиёр мажбурият, бўйсунуш ёки муайян тартиб-қоидаларга мослашиш ҳақидаги тасавурини уйғотиши мумкин.

Муҳокама давомида айрим блогерларнинг фикрларидан шуни аниқлаш мумкин эдики, уларнинг асосий хавотирини айнан шу бўлди: кенгаш вақт ўтиши билан блогерларни қоплига солувчи, уларнинг мустақил фикри ва ижодий эркинлигига таъсир қилувчи, муайян кўрсатмалар асосида фаолият юритувчи тузилмага айланиб қолмасин. Ҳатто айрим блогерлар томонидан кенгаш аъзолари ва унга аъзо бўлганлар блогерлар ўртасида келажакда қандайдир тафовут ёки низо юзага келиши мумкинлиги ҳақида ҳам фикрлар билдирилди. Аслида эса бу хавотирнинг ўзи ҳам муҳим сигнал. Чунки кенгаш аъзолиги блогер учун шунчаки “мақом” ёки “имтиёзга гуруҳ” эмас, балки тузилманинг бирлаштирувчи вазифасини бажариши лозим. Агар кенгаш фаол блогерларнинг манфаатла-

рини ифодаловчи очиқ платформа бўлса, унда аъзолик девор эмас, аксинча, ҳамкорлик механизми бўлиши керак.

Муҳокама давомида кенгашнинг блогерларни давлат мукофотларига тавсия этиш имконияти ҳам тилга олинди. Бунга айрим блогерлар “эркин ижодкор сифатида бундай нарсаларга эҳтиёж сезмаслиги”ни билдирди. Дарҳақиқат, кимдир учун расмий эътироф ва имкониятлар муҳим. Кимдир эса мустақиллигини ҳар қандай мақомдан устун қўяди. Кимдир ўз фаолиятини профессионал институт билан боғлашни istайди, яна кимдир айнан шундай боғлиқлик унинг эркинлигини чеклаши мумкинлигидан хавотирда. Демак, бу ерда “блогерлар кенгашини хоҳлайди” ёки “блогерлар кенгашига қарши” деган бир-рўлама ҳулоса чиқариш тўғри бўлмайди. Аксинча, муҳокама жараёнида блогерларнинг ўзлари ҳам бу масалага турлича қарашни маълум бўлди.

Мулоқот давомида кенгаш блогерларни бошқариш ёки уларнинг фаолиятига аралашуш учун эмас, балки уларга психологик, ҳуқуқий ва медиа йўналишларида кўмак бериш, муаммоларини тинглаш ва тегишли жойларга етказиш учун кераклиги алоҳида таъкидланди. Масалан, кенгаш раиси ёки вакили блогерлар билан тегишли ташкилотлар ўртасида востачи бўлиши мумкин. Блогерларнинг тақдиф ва муаммолари тизимли равишда етказилиши,

соҳа бўйича ташаббуслар бир жойга жамланishi мумкин.

Бу нуқтаи назардан қаралганда, кенгашнинг мавжудлиги имконият бўлиши мумкин. Аммо имкониятнинг ўзи етарли эмас. Ҳар қандай имконият ҳақиқий қиймати унинг номида эмас, қандай ишлашида намоён бўлади. Агар Блогерлар ижодий кенгаши блогерлар номидан гапирса, аввало блогерларнинг ўзини эшитиши керак. Агар уларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишни мақсад қилса, бу ҳимоя реал вазиятларда сезилиши керак. Агар медиасаводхонлигини оширишни кўзласа, бунинг натижаси амалий лойиҳаларда кўриниши керак.

Энг муҳими эса кенгаш блогерларнинг эркинлигини ҳимоя қилиш билан уларнинг масъулиятини ошириш ўртасида мувозанат топиши керак. Чунки эркинлик — масъулиятсизлик дегани эмас. Блогернинг мустақил фикр билдириш ҳуқуқи унинг текширилмаган ахборотни тарқатиш ҳуқуқи билан тенг эмас. Ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқи бошқа инсоннинг шайни, кадр-қиммати ёки шахсий ҳаёти дахлсизлигини бузиш имкониятини бермайди. Шундай экан, блогерларни қўллаб-қувватлаш ҳақида гап кетганда, профессионал ва ахлоқий масъулият масаласи ҳам четда қолмаслиги керак.

Учрашувдаги узоқ ва очиқ муҳокамалардан сўнг Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси

қошида Блогерлар ижодий кенгаши тузилди. Блогерлик — фақат ахборот етказиш эмас, бу — ижод, шахсий услуб, аудитория билан мулоқот ва мустақил фикр майдони.

Шундай қилиб, Блогерлар ижодий кенгаши ташкил этилди. Энди эса бундан кейинги савол анча муҳим: у қандай ишлайди? Кенгаш блогерлар учун яна бир расмий минбар бўлиб қоладими ёки улар ҳақиқатан ҳам ўз муаммолари, таклифлари ва ташаббусларини олиб кирадиган очиқ майдонга айланадими? У блогерларни бирлаштирадими ёки “кенгаш аъзоси” ва “кенгаш аъзоси бўлмаган” деган чегараларни пайдо қиладими? Уларнинг эркинлигини чеклайдими ёки, аксинча, эркин фаолият юритишлари учун ҳуқуқий ва профессионал таянчга айланадими? Бу саволларга бугун жавоб бериш қийин. Аммо бир нарс аниқ: кенгашнинг ташкил этилгани — жараённинг якуни эмас, бу — фақат бошланиши.

Энди асосийси — кенгашнинг блогерлар орасида қандай ишонч уйғотиши, қандай ташаббусларни амалга ошириши ва энг муҳими, ўзини бошқарувчи эмас, қўллаб-қувватловчи институт сифатида намоён қила олишидир. Агар Блогерлар ижодий кенгаши айнан шундай майдонга айлана олса, кенгаш бахслар бугунги шубҳа эмас, эртанги натижалар учун зарур бўлган соғлом мулоқот сифатида хизмат қилад.

Фарангиз АБРУЕВА.

ЭЛ ТАНИГАН ОДАМЛАР

# ФАЗИЛАТЛИ ИНСОН

ёки “Дўстлик” ордени соҳиби, кўқонлик Соҳиб АЛИЕВнинг фаолияти ва ибратли ҳаёти ҳақида

Инсонни Парвардигор гўзал шаклу шамоилда, мукаммал хилқат қилиб яратган. Кимки имон ва эзгу амаллар билан, илм-маърифат излаб, мол-дунё муҳаббати ва вақтичоғликка мафтун бўлмай, волидаи муҳтарамаси ҳамда қиблагоҳига зиёда меҳр-эҳтиром кўрсатиб, умр йўлларида чекиладиган машаққатларга сабр-тоқат қилиб яшаса, у ҳақиқий гўзал инсондир. Яқинда чоп этилган “Фарғона геофизиклари етакчиси” китоби ана шундай кишилардан бири — фозилларга хос ҳаёт кечириб, мудом яхшиликларга шошилиб умргузаронлик қилаётган кўқонлик Соҳиб Алиевнинг ҳаёти, фаолияти, инсонийлик фазилатлари ва у ҳақидаги дил сўзларидан иборат.

Соҳиб Алиев М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетиди таҳсил олган. Ўтган асрнинг эллигинчи йилларида бу нуфузли даргоҳда ўқиш ҳаммага ҳам эмас, алоҳида иқтидорли ёшларгагина насиб қиларди. У ана шундай олий таълим масканини тамомлагач, меҳнат фаолиятини Қашқадарё вилоятининг Яккабўғ геофизика экспедициясида бошлади. Кейинчалик қарийб эллик йил Фарғона геофизика экспедицияси бошлиғи вазифасида ишлади. Бугунги кунда нафақат соҳа фидойиси, балки чуккур билим ва ибратли ҳаёт тажрибасига эга бўлган нурунийдир.

Геофизика — фан ва амалиёт туташган, таҳлил ва тафаккур талаб этадиган соҳа. У фақат табиий ресурсларни топиш эмас, балки уларни тўғри баҳолаш, юртимиз иқтисодий тараққиётига хизмат қилувчи илм-фан асосларини мустаҳкамлаш демакдир. Ана шу мураккаб ва шарафли соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган мутахассислар орасида Соҳиб Алиев номи алоҳида ҳурмат билан тилга олиниши бежиз эмас. Негаки, унинг касбий йўли тўла маънода илмий изланиш, технологик амалиёт ва ишлаб чиқариш тажрибасининг уйғун намунаси десак хато бўлмас. Ўзоқ йиллик меҳнат фаолияти давомида мамлакатимизнинг турли минтақаларидаги геофизик қидирув ишларида фаол иштирок этиб, кўплаб кон ва ресурсларнинг аниқланишига бевосита ҳисса қўшган.

“Соҳиб Алиевнинг изидан нур, сўзидан донолик таралади, — деб ёзади Кўқон шаҳар ҳокими Маъруф Усмонов ушбу китобда. — Унинг ҳаёт йўли ёш авлод учун ибратдир. Ҳўқанди латифимизнинг фаҳри бўлган Соҳиб Алиев садоқат, ҳалоллик, самимият ва меҳрибонлик каби бекиёс қадриятларни амалда кўрсатиб келаётган юксак маънавиятли инсондир”.

Кўқонда геофизика ҳақида гап кетса, одамлар кўз ўнгиди Соҳиб Алиев гавдаланади.


— Соҳиб Алиев геофизика соҳасида чуқур билимга эгалиги, ташкилотчилиги, ғайрат-шижоати, инсонпарварлиги ва ростгўйлиги билан танилган обрўли ҳамда пешқадим раҳбарлардан бирига айланган эди, — дея сўзларди устози, “Ўзбекгеофизика”нинг собиқ бош директори Тошпўлат Бобожонов. — У Фарғона геофизика экспедициясига раҳбарлик фаолияти давомида бу корхонанинг шухратини юқори даражага кўтарди.

Мазкур рисола “Умр баҳори — болагик”, “Қизгин меҳнат жаҳасида”, “Етуклик палласи”, “Ҳамкас қадрдонлар”, “Дўстлар дил ихори”, “Қариндошлар, фарзандлар ва набиралар эҳтиромини” каби олти бобдан иборат бўлиб, унда Соҳиб ҳожи ота Алиевнинг ибратли умр йўлига назар ташланади, инсоний фазилатлари ҳақида қалб изҳорлари ҳикоя қилинади.

“Дўстим ҳақида ёмон гап топа олмайман” деб номланган очеркда шундай воқеа ҳикоя қилинади:

“Мени ҳамма онамга ўхшатишади, — деди Соҳиб ака. — Онам раҳматли жуда ҳам пазанда эди. Бизнинг ҳовлимизда ҳеч ким овозини баландлатиб гапирмаган. Жанжал ҳам бўлмаган. Онам ёқимли талаффуз билан чиройли сўзларни топиб гапирарди. Исролдан хабари бор аёл эди. Маҳалла-кўй, кўни-қўшниллар “отинча ая” деб ҳурмат қилишарди. Ўйимиздан одам узилмасди. Улар кўп масалаларда маслаҳат сўраб онамнинг олдиға келишарди. Онамга биров бировнинг устидан арз қилса, у унинг фикрига қўшилмасди. Аям учун ёмон одам йўқ эди. “Эсон бўлсин, кўй, болам, у ҳам Аллоҳнинг бандаси”, дер эдилар”.

“Отам раҳматли ҳам ислом динимизни яхши биладигани, Аллоҳдан қўрқадиган киши эди, — деди у ҳикоясини давом эттириб. — Ҳамма уларни “Мулла Алижон” дерди. Араб алифбосини яхши билардилар-да. Кам гапирардилар. Ҳар куни бомбоддан кейин бир соатлар чамаси овоз чиқариб Қуръон ўқирдилар. Овози қориларникидек эди. Ҳа, кунимизни Қуръон эшитишдан бошлардик. Шунча йиллар ўтган бўлса ҳам, эрта тонларда отамнинг ҳеч кимникига ўхшамайдиган ширали овозини,



онамнинг ширин сўзларини, меҳрибон кўлларини соғиниб қоламан. Қабрлариға бориб уларни йўқлайман, дуои фотиҳа қиламан”.

Ҳа, Соҳиб Алиев қанчалар имон-эътиқодли инсонларнинг зурриёти эканини ушбу ҳикоя ҳам англатиб турибди.

Шу очеркда Соҳиб ака ўғли Эркиннинг исми қўйилиш тарихи ҳақида шундай ҳикоя қилган:

“1969 йили Эркин Воҳидовнинг “Ёшлик девони” китоби чиққанди. Дадамга шу китобдан “Ўзбегим” шеърини ўқиб бергандим. Дадам бу шеърдан ниҳоятда таъсирланди. “Буни ким ёзибди?” деб сўради. “Эркин Воҳидов”, дедим. “Агар ўғил фарзанд кўрсанг, исмини албатта Эркин қўямиз”, дедилар шунда. Орадан бир неча ой ўтиб ўғил кўрдик, отам айтганларидек, чақалоқ исмини Эркин қўйдик. Орадан йиллар ўтиб, устозим Тошпўлат Бобожонов ва Эркин Воҳидов билан учовимиз бир дастурхон атрофида суҳбатлашиб қолдик. Бўлган воқеани айтиб бердим. Эркин ака ўшанда жуда хурсанд бўлиб кетганди. “Кўқонга бориб, адашмни зиёрат қиламан”, деганди”...

Киши китобдаги шу каби воқеаларни ўқиганда беихтиёр таъсирланиб кетади.

— Мен устоз Соҳиб Алиев билан доимо мулоқотда бўлиб, иш жараёнида ва ҳаётда қимматли сабоқлар олдим, тажрибалар орттирдим, — деди Фарғона геофизика экспедицияси директори Давлатжан Усмонов. — У дунёқараши жуда кенг, инсонийлик даражаси юқори, самимий инсон ва бағрикенг устоздир. Шу билан биргаликда у қаттиққўл, тартиб-интизомга қатъий амал қиладиган, ўзининг ва ўзгалар вақтини тежайдиган, ҳақиқатпарвар раҳбар ҳамдир. Устозимиз иштирок этган ҳар қандай давра доим хурсандчилик, ҳазил-мутўйба, кулги ва ҳушчақчақликка лиқ тўла бўлади.

Мен Соҳиб Алиевга ҳўжалик ишлари бўйича муовин бўлиб кўп нарсаларни ўргандим, кўп одамларни танидим, яъни жуда катта мактабни ўтадим. Бу бугунги кунда бажараётган вазифамда жуда кўл келмоқда. Ёнимизда Соҳиб Алиевдек маслаҳатгўй, йўлбошимиз борлигидан бениҳоя мамнунизм.

— Автоҳалокатга учраб касал ётганимда жароҳат асоратлари чидаб бўлмас даражада азоб бера бошлади, — деб ёзади шоғирди, геология-минерология фанлари доктори Аскаралӣ ўрмонов. — Қилинган муолажалар таъсири сезилмайдди. Кайфиятим жуда ҳам ёмон, руҳан қийин аҳволда ётганимда устозимиз Соҳиб Алиев телефон қилиб қолди, аҳолимни салом-алиқадан қолтди. Анча насихатлар билан кайфиятимни кўтарди ва шунда бирдан “Борис Полевоийнинг “Чин инсон қисаси”ни ўқиганмисиз?” деб қолди. Мен “Ҳа, ўқиганман”, деб жавоб берсам, “Китобини бериб юбораман, ёшликда ўқиган бўлсангиз керак, яна бошқатдан шуни ўқинг. Бу-

лар ҳали ўтиб кетади, ҳаммаси яхши бўлади, жудаям тушқунликка тушманг-да, Аскаралӣ”, деди. Мен китобни шошмасдан яна ўқиб чиқдим, ҳақиқатан ҳам маънавий ва руҳий куч бағишлади. Чунки шу бугунги ҳолатимда китоб менга бошқача таъсир кўрсатди, аввало, Аллоҳ халоскордир ва меҳрибондир, лекин ушбу китоб ҳам шу ҳолатда менга руҳий озуқа берган эди.

Устозимиз нафақада бўлса ҳам бизга маслаҳатгўй, суянчиқ, ҳар доим ёрдамларини аямайди. Биз барча шоғирдлари ундан чексиз миннатдормиз.

“Дадам доимо дўстларига садоқатли инсон, — деб ёзади ўғли Эркинжон. — Дадам Президентимиз Фармонига биноан “Дўстлик” ордени билан мукофотланганларида дўстлари: “Бу орден ҳақиқий эгасига берилди. У киши дўстлик сўзининг маъносини ўз ҳаёти билан исботлаган одам”, деб айтишганди”.

Ҳа, Эркинжон тўғри баҳо берибди. Соҳиб Алиев шундай инсонки, у кишида олимнинг иқтидори, шоирнинг қалби, муҳандиснинг аниқлиги, дўстнинг садоқати муҷассам.

Набираси Феруз Алиевнинг бобосини таърифлаб ёзганларини киши бефарқ ўқий олмайди:

“Мен билган инсонлар орасида шундай бир киши борки, унинг номи менда чексиз ҳурмат, самимий табасум, чинакам етукликка нисбатан беҳисоб миннатдорлик туйғусини бағишлайди. Бу менинг олоқим — бобомдир. У шунчаки отамнинг отаси эмас, балки менинг устозим, ҳақиқий эркак намунаси, катта оиламизнинг боши ва нафақат бизнинг, балки кўплаб инсонларнинг ҳаётида чуқур из қолдирган табарруқ шахс.

Бобом кўл урган ҳар бир иш аниқ режали, пухта ўйланган ва охирига етказилган бўларди. Унинг ҳаётга муносабати оддий эди: ҳамма нарсани ўз вақтида, ҳалол ва жондилдан бажариш. У шошма-шошарлик, дангасалик ва масъулиятсизликни ёқтирмасди.

Болалигимдан уни “соат одам” деб эслаб қолганман. Унинг доимо ўз кўндалик жадвали бор эди ва уйдаги барча нарса у кишига мослашарди — кўрқувдан эмас, ҳурматдан. Улар бақирмасдилар, талаб қилмасди, шунчаки ўз намунаси билан кўрсатарди. Биз, набиралар эса буни табиий ҳол деб қабул қилардик. Бугун ҳам катта бўлиб, у ўргатганидек, соатни 5-10 дақиқа олдинга қўяман. Шунчаки олдиндан тайёр бўлиш учун. Шунчаки бобомга ўхшаб қадр-қиммат билан яшаш учун.

У менга эркак бўлишни ўргатди. Сўз билан эмас, амал билан. У ота, бобо, эр, оила бошлиғи қандай бўлиши кераклигини амалда кўрсатиб берди. Ваъдага вафо қилишда, ҳалол бўлишда, имкон қадар ёрдам беришда. Бунинг эвазига ҳеч нарса кутмаслиқда...

Бобомнинг энг ёрқин фазилатларидан бири унинг ёрдам беришда доим тайёр туришидир. У ҳеч қачон бошқаларнинг мушкулотларини четлаб ўтмайди. Одамлар билишадикки, унга исталган муаммо билан мурожаат қилиш мумкин ва у албатта ёрдам беради. Манфаатсиз, шартсиз — шунчаки қўлидан келганича.

Мен айнан шу фазилатни ўзимда сақлаб қолишни истайман. Мен ҳам ёрдам беришим мумкинлигини кўрганимда, рад эта олмайман. Чунки менда унинг бир бўлаги яшайди.

Бобом бутун умрини илм-фан ва давлат тараққиётига бағишлади.

У ўз меҳнати билан мамлакат тараққиётига улкан ҳисса қўшди. Унинг ютуқлари давлат даражасида эътироф этилди: бобом кўп марта мукофотланди. Президентимиз билан бир неча бор учрашдилар, шахсий табриклар ҳамда медалъ ва орденлар олдилар. Булар куруқ мукофотлар эмас эди, уларнинг ортида ишга бахшида этилган ҳаёт ва умр туради.

Ҳозир ҳам мураккаб танлов олдида турганимда, ўзимга савол бераман: “Бобом қандай йўл тутган бўларди?” Жавоб эса уларнинг менга берган ўғитлари ва тарбиясидир — булар мен учун компас кабидир. Боиси, у турму йўлдан адаштирмайди. Шу сабаб мен учун у доимо ҳақиқий ибрат намунаси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади”.

Бу китобда ибратли умр кечираётган саксон олти ёшли мўйсафид нурунийнинг умр дафтри, ҳаёт мактаби ҳақида батафсил ҳикоя қилинибди. Бу рисолатни юрагим энтиқиб, ҳавас билан ўқиб чиқдим. Гўё эзгулик дунёсига саёҳат қилгандек бўлдим. Қани эди, унда ёзилганлар оилалар даврасида мутлола қилинса, айниқса, ёшларга йўлчи юлдуз бўлиб, катта маънавий озуқа берган бўларди.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОВЕВ,  
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.



## МУЖТАБО КЎРИНИШ БЕРДИ...

9 август куни “Mehr” давлат агентлиги Эрон Олий раҳнамоси Мужтабо Хоманайининг беш ойлик ғойибликдан кейинги илк видеосини эълон қилди.

9 март куни Олий раҳнамо этиб сайланган Мужтабо шу пайтгача бир марта ҳам омма олдида кўриниш бермаган, ҳатто отасининг дафн маросимида ҳам қатнашмаган эди. Эълон қилинган 12-15 сониялик қисқа видео бир неча муҳим мақсадларни кўзлагани айтилмоқда. Илгарироқ унинг оғир жароҳатлангани, оёғидан ажралгани, юзи шикастлангани ва Кум шаҳрида ҳушсиз ётгани ҳақида хабарлар тарқалган эди. “Тирик ва соғлом” эканини кўрсатишга қаратилган ушбу видео унинг саломатлиги атрофидаги миш-мишларга чек қўйишни удалади.

Таҳлилчилар видеони “мутлақ исбот” деб қабул қилишга шошилмаяпти — суратга олинган сана ва жой номаълум, видеонинг қачон ва қаерда олингани очикланмаган. Видеода Хоманай кимлар биландир гаплашаётгани кўринади, бироқ унинг овози ўрнига орқа фонда исломий мадҳ қўйлари қўйилган.

Президент Пезешкиён Олий раҳбар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш “ўта қийинлашиб кетганини” тан олган эди. Баъзи манбалар икки раҳбарнинг фақат “коронни хонада, унинг юзини кўрмай суҳбатлашганини” даъво қилмоқда.

АҚШ ва Исроил билан ҳарбий тўқнашувлардан сўнг Эрон Ислום Республикаси хавфсизлик чораларини максимал даражага кўтарган. Техрон Олий раҳбарнинг яширинишини фақат “хавфсизлик протоколлари” билан изоҳламоқда.

Хоманай ўзининг собик ҳарбий маслаҳатчиси, генерал-майор Ризоийни Олий миллий хавфсизлик кенгаши қотиби этиб талинлади. Бу эса унинг тизимда ҳануз фаол қарорлар қабул қилаётганидан дарак беради.

Ризоий — Ислום инқилоби муҳофизлари корпусининг собиқ бош қўмондонни (1981-1997), сиёсатдаги “оғир вазли” арбоблардан. Унинг сиёсатга қайтарилиши тизимнинг эски, тажрибали ва ғойий жиҳатдан энг ишончли қанотига суяниш истагини англатади. Ризоий ҳам ҳарбийлар, ҳам диний доиралар орасида катта нуфузга эга бўлиб, Олий раҳбар учун ички сиёсий қалқон вазифасини ўтайди.

Бундан ташқари, ТИВ ва АҚШ билан яширин музокара-лар олиб борувчи гуруҳ таркиби ҳам янгиланди. Гуруҳга янада қатъий, аммо прагматик дипломатлар жалб қилинди. Бу Техроннинг санкцияларни юмшатиш ва Ҳўрмуз бўғозидаги назоратни сақлаб қолиш бўйича халқаро ўйинларда ўз позициясини мустаҳкамлаш истагидан дарак беради.

Охирги сиёсий ва ҳарбий тайинловлар режимнинг мудофаа хусусиятига эга эканини кўрсатади. У агрессив таққи урушдан кўра, режим барқарорлигини сақлаш ва ички муҳолифатни бос-тиришни устувор вазифа қилиб белгиланган.

Яширин музокаралардан мақсад — икки томонлама йирик ҳарбий тўқнашувлар хавфини қамайтириш ва Эрон Ислום Республикасининг хориждаги музлатилган активларини босқичма-босқич очишдир. Манбаларнинг таъкидлашича, Мужтабо АҚШ билан вақтинчалик “хужум қилмаслик ва вазиятни кескинлаш-тирмаслик” бўйича яширин келишувга розилик берган.

Музокараларнинг энг муҳим нуқталаридан бири — глобал нефть савдоси ўтадиган Ҳўрмуз бўғозининг назоратидир. Эрон Ислום Республикаси минтақада АҚШ ва унинг иттифоқчиларининг тижорий кемапарига тўғридан-тўғри ҳужумларни қамайтириш мажбуриятини олган, эвазига эса Ғарб санкциялар босимини қисман юмшатишга ва Эрон Ислום Республикаси нефтининг яширин экспортга “кўз юмишга” ваъда бергани иддао қилинмоқда...

Аброр ХОН.

КЎМАК

Кичик Жомашўй маҳалласида яшовчи ёшлар, лекин қаровчиси йўқ чолу кампир ҳузурига ақинлари ногиронлиги бўлган ўрта ёшлардаги эр-хотинни бошлаб келишди. Икки томон рози бўлса, ягона оила фарзандларидек биргаликда яшашларини маслаҳат беришди.

Ният ҳолис экан, оилага фазл кирди. Қора қозон ҳар куни қайнай бошлаганидан маҳалла-қўй ҳам хурсанд бўлди. “Бопали уй — бозор...” деганларидек, кичкинтойларнинг шодлигидан чолу кампирнинг кўнгли тоғдек кўтариларди. Энди улар ўзларини бир умрлик армонлари аригандек ҳис этишарди.

Бирок орадан 11 йил ўтгач, бандалик экан, чолу кампир бирин-кетин қазо қилди. Ўз фарзандларидек бўлиб қолган эр-хотин уларнинг маросимларини рисоладагидек ўтказди. Бутун маҳалла, марҳумларнинг қариндош-уруғлари уларни дуо қилишди. Қолаверса, энди уйнинг чирогини ёқиб ту-

радижан эгалари ҳам бор эди.

Ойлар, йиллар ўтди. Маҳалла фуқаролар йиғини томонидан уйни уларга мерос қилиб расмийлаштириш бўйича тавсия берилди. Марҳумларнинг яқинлари ҳам бунга рози эди. Лекин бунинг ҳуқуқий асоси йўқлиги сабабни судга мурожаат этишди. Судга мурожаат қилиш учун эса давлат божи тўлаш керак, аммо маблаг йўқ. Эр-хотин бола-чақаси билан бир амаллаб кун кечираётган бўлса...

Оқсоқоллар ушбу муаммо бўйича аҳолига бепул юридик хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи “Мадад” ННТнинг туман бўлими мутахассиси, майор Олимжон Мингбоевга мурожаат қилишди. У олий маълумотли хуқуқшунос бўлиб, қарийб 20 йил давомида хуқуқни муҳофаза қилиш идораларида турли вазифаларда ишлагани ва етарли тажрибага эга бўлгани боис масала ижобий ҳал этиладиган бўлди.

Мингбулоқ тумани ҳокими Ахрорбек Мансуров фуқароларнинг муро-

жаатлари билан ишлашга бағишланган фаоллар йиғилишида ана шу каби мисолларнинг бир нечаси ҳақида батафсил гапирди ўтди. Масалан, ёш ўғли юқори кучланишли подстанция ҳудудиға ногоҳан қириб қолиб, ток урили оқибатида соғлиғини йўқотганидан сўнг судда айбдорларга етарли жазо қўлланилмагани ҳамда Жомашўй шаҳарчасида кўп йиллардан буюн қаровсиз туриб қолган йирик бир объектнинг эгалигини тиклаш борасидаги мурожаатларга ҳам ечим топа олгани таҳсинга лойиқ.

Айтганча, “Мадад” ННТ — аҳолиға бепул хуқуқий ёрдам кўрсатишға ихтисослашган нодавлат нотижорат ташкилотидир. У Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган. Ташкилотнинг асосий мақсади фуқароларнинг хуқуқий саводхонлигини ошириш ва уларга бирламчи юридик ёрдам кўрсатишдан иборат.

Олимжон Мингбоев бу вазифага

бежиз тайинланмаган экан. У жон-қуя, фидойи, камчиликларга муро-сасиз, муаммомга дуч келган инсонларга бажонидил кўмаклашадиган ватанпарвар мутахассис сифатида эътироф этилмоқда. У фаолият бошлаган 2025 йилдан буюн ҳар ойда ўртача 25-30 нафар мададталаб фуқаронинг мушкултини осон қилмоқда. Хоразм шаҳри “Мадад” ННТнинг ҳудудий бўлинимаси орқали қарийб 500 нафар фуқаро меҳнат, оила, мерос, уй-жой, иқтимоий таъминот ва бошқа хуқуқий масалалар бўйича амалий ёрдам ёки бепул маслаҳат олгани фикримиз тасдиғидир. Бу билан қанчадан-қанча инсонлар йиллаб азоблаб келаётган ғам-тавишлардан халос бўлишди, оилаларга риқ-барака кирди, фарзандлар бирча имтиёз ва имкониятлардан эмин-эркин фойдалана бош-лашди, демакдир.

— “Мадад” фаолият бошлагач, ишимиз аввалгига нисбатан қарийб 30 фоизга қисқарди, — дейди туман ад-

лтуға бўлими бошлиғи Акмалжон Қоди-ров. — Олимжон бу савобли вазифани виждонан бажармоқда. Аҳолиға бепул хуқуқий маслаҳатлар бериш, фуқаро-ларнинг мурожаатларини хуқуқий жи-ҳатдан ўрганиш ва тегишлича йўнал-тириш, хуқуқий ахборот бериш ва ту-шунтириш ишларини олиб бориш, хуқуқий маданият ҳамда хуқуқий онгни юксалтиришға кўмаклашиш, юзма-юз маслаҳатлар ташкил этиш, Advice.uz хуқуқий портали фаолиятини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бораси-даги ишлари, айниқса, салмоқлидир.

Қисқача айтганда, майор Олим-жон Мингбоев мустақиллик шаро-фати ҳамда мамлакатимиз раҳбари-нинг кўллаб-қувватлови билан оёққа тураётган республикамиздаги маз-кур нодавлат нотижорат ташкилотиди-да фаолият юритаётган 250 нафар хуқуқ-шуносдан биридир. У ўз фаолиятини янада такомиллаштириш, эл ташви-шига шерик, одамлар дардига мал-ҳам бўлишдек саъй-ҳаракатда ёниб-



Қосимжон АКБАРОВ,  
“Мингбулоқ” газетаси муҳаррири,  
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Россияга иш излаб кетган ўзбекистонлик мухожир гиёҳвандлик айби билан қамалди, кейин эса Украинадаги урушга юборилди. Фронтда яралангач, у госпиталдан қочиб, икки давлат чегарасини яширинча кесиб ўтди ва Ўзбекистонга қайтди. Суд ҳукми ушбу ғайриоддий тақдирнинг барча тафсилотларини очиб берди.

## Орзу ортидан бошланган йўл

Жиноят ишлари бўйича Шахрисабз шаҳар судида қўрилаган бу иш биринчи қарашда Қонуннинг учта моддасига тааллуқлидек эди. Айбланувчига ёлланма фаолият, хорижий давлат қуролли қучлари таркибиде иштирок этиш ва Ўзбекистон давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш айбловлари қўйилганди. Суд залида ўтирганлар учун бу навбатдаги одадий жиноят иши бўлиб туюлиши мумкин эди. Аммо суд ҳужжатлари варақлангани сайин уларда оддий меҳнат мухожирининг орзуи, хатолари, қўрқувлари ва бир қарори ортидан иккинчиси келиб, охир-оқибат уни уруш майдонига етаклаган оғир ҳаёт йўли намоян бўларди.

Судланувчи Асилбек А. (исм-шарифи ўзгартirilган — тахр.) айбини яширишга уринмади ва суддаги кўрсатмасини: “Россияга ишлаб пул топиш мақсадига кетганман”, деган жумла билан бошлади. Бу гапда ғайриоддий ҳеч нарсаси йўқ, чунки ҳар йили минглаб ўзбекистонликлар айнан шу мақсадда хорижга йўл олишади. Асилбек ҳам ана шундай ёшлардан бири эди.

2024 йилнинг 9 августиде у отаси билан автобуска чиқиб, Қозоғистон орқали Россияга жўнаб кетди. Уларнинг режаси жуда оддий эди: бир неча йил ишлаб пул жамғариш ва уйга қайтиш. Россиянинг Иркутск вилоятидаги ойна ишлаб чиқариш корхонасига жойлашмиди. Бироқ бу режа илк ойларданок издан чиқди.

Корхона раҳбарияти йигитни ишга қабул қилмади. Сабаби ҳам оддий эди — меҳнат патенти расмийлаштирилмаган. Корхона эгаси ҳужжатларсиз ишлашга рухсат беролмаслигини, аммо ётоқхонада вақтинча қолиши мумкинлигини билдирган.

“Ётоқхонада яшаб, ҳар кун турли мавсумий ишларда ишлаб юрдим”, деди судда Асилбек.

Бу даврда унинг ҳаёти ноаниқликка айланганди. Расмий иш йўқ, барқарор даромад йўқ, келажак эса тобора мавҳумлашиб борарди.

Йил охирига келиб, Россияда миграция нazorати кучайди. Ҳужжатсиз юрган мухожирлар учун рейдлар одадий ҳолга айланди. Суддаги кўрсатмаларга кўра, депортациядан қочиш учун отаси хатто ўз номига 30 минг рубль кредит олиб, ўғлининг ҳужжатларини расмийлаштиришга ҳаракат қилган. Бироқ бу ҳам вазиятни ўнглай олмади.

Расмий ишсиз қолган йигит учун ҳар бир кун янги хавотир билан бошланарди. Кейинчалик судда у ўша даврни эслаб: “Иш топа олмаганимдан сўнг, “Telegram” мессенжериде иш кераклиги ҳақида эълон бера бошладим”, деб кўрсатма берди.

Айнан шу эълон унинг тақдирини кескин буриб юборди.

Кўп ўтмай унга номатълум аккаунтдан таклиф тушди. Якутияда курьерлик иши. Кунлик иш ҳақи — 20 минг рубль. Ишсиз юрган йигит учун бундай даромадли таклифни рад этиш жуда қийин эди. Энг қизиғи, иш берувчи билан ҳеч қачон юзма-юз учрашув бўлмади. Барча кўрсатмалар телефон орқали берилди. Такси қақирилди, манзил юборилди. Ижара хонадон қалити эшик олдидеги махсус кутига яширилган, унинг пароли ҳам хабар орқали етказилганди.

Бошида ҳаммаси ҳақиқатан ҳам курьерликка ўхшарди. Телефонга координаталар келар, у кўрсатилган жойдан сариқ ялтирок қорозга ўралган кутини олар, кейин эса бошқа манзилга элтиб қолдирарди. Кутини топширгач, янги координаталар келарди. У бу ишни қарийб ўн беш кун давомиде бажарди.

Бир кун ичиде нима борлигини сўраганида, унга бу “махсус идишлар” эканини айтишади. “Кутини очманг, муҳри бузилса, товарнинг нархи тушиб кетади”, деган огоҳлантириш ҳам берилган эди.

2025 йилнинг 15 марти ҳам аввалги кунлардан фарқсиз бошланди. У навбатдаги манзилга борди, ўрамни олди ва белгиланган нуқтага олиб келди. Аммо бу сафар унинг ёнига махсус формадаги ходим яқинлашди. Аввал ҳужжатларини текширди, кейин эса қўлидаги ўрамни кўрсатиб, ичиде нима борлигини сўради. У ишонч билан “махсус идишлар” деб жавоб берди. Ходим эса ўрамни очишни талаб қилди.

Асилбек рози бўлмади. Рус тилини яхши билмагани учун фикрини тўқил тушунтира олмади. “Кутини очсам, ойлигини ололмайман”, деб тушунтиришга уринди. Бироқ бу гап ҳеч кимни қизиқтирмади. Ўрам очилди.

Ичиде идишлар эмас, кўк рангли кукун солинган учта халтача ётарди.



## Россияга иш излаб кетиб, Украина урушига мажбурий юборилган йигит қисмати

Судда бу лаҳзани эслар экан, у: “Бу нарсани аввал бирор марта кўрмагман, нима эканлигини билмасдим”, деб кўрсатма берди. Ходимлардан бири эса бу қандайдир “солъ” (гиёҳвандлик моддаси) эканини айтган ва шу заҳоти уни автомашина томон олиб кетган. Машина ёнида яна икки нафар махсус формадаги ходим кутиб турганди. Бир неча дақиқадан сўнг у назорат пунктга олиб кетилди.

Кейинги воқеалар суд материалларида босқичма-босқич баён қилинган: бир кунлик ушлаб туриш, таржимон иштирокидаги сўроқлар, гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланмаси бўйича кўзғатилган жиноят иши. Терговчилар ундан бу ўрамларни қаердан олганини сўрашарди. У эса телефон орқали топшириқ берган одамдан бошқа ҳеч кимни танимаслигини айтарди.

“Уларга юкни топширган одам билан кўнғироқ қилиб гаплашишлари мумкинлигини айтдим, лекин улар телефон рақамлари ва профилилар аллақачон ўчириб юборилганини билдиришди”, дея эслайди у.

\*\*\*

2025 йил 13 март.

Айнан шу кундан бошлаб Асилбекнинг телефони жимиб қолди. Судда сўроқ қилинган онасининг кўрсатмасига қараганда, унгача ўғли деярли ҳар кун интернет орқали хабарлашиб турган. Бироқ шу кундан кейин алоқа бутунлай узилди. Аввалига она бунга катта аҳамият бермади. “Балки иш билан банддир, интернетни йўқдир”, деб ўзини овутиди. Аммо бир кун, икки кун, уч кун ўтди. Ўғлидан ҳамон дарак йўқ эди. Шундан сўнг у турмуш ўртоғидан суриштира бошлади:

— Асилбек қаерда?

— Ҳужжатларининг мuddати тугаб қолибди. Қозоғистонга кириб-чиқиш қилиб келади. Бир-икки кунда кўнғироқ қилади.

Она кутди. Эри айтган кун ҳам ўтди, лекин телефон ҳануз жим эди. Яна сўради:

— Нега ҳали ҳам кўнғироқ қилмаяпти?

Бу сафар эри бошқа баҳона топди:

— Ҳужжатларида камчилик чиқибди, ушлаб туришибди. Тезда депортация қилишаркан.

Бу гап ҳам онага тасалли бўлди. Ахир депортация қилинса, барибир уйга қайтади-ку.

Лекин ҳафталар ўтди. Депортация ҳақида айтилган мuddат ҳам келди, Асилбекдан эса ҳеч қандай хабар бўлмади. Она яна савол берди:

— Қачон келади?

— Яқин орада.

— Қачон?

— Ҳали аниқ эмас. Кутиб турайлик.

Суддаги кўрсатмаларга қараганда, шундан сўнг бу суҳбат уйда қайта-қайта такрорланган. Она ҳар сафар бир хил саволни берад, эри эса ҳар гал бошқа баҳона топарди: гоҳ ҳужжатлари битмаётганини, гоҳ текширувлар давом этаётганини айтарди. Аммо айтилган саналар келар ва ўтар, ўғлидан эса дарак бўлмасди.

2025 йилнинг апрель ойида она Умра зиёратига йўл олди. Муқаддас масканда ҳам дуопларининг мазмуни ўзгармади — фақат фарзанди соғомон юртга қайтишини илтижо қилди.

Зиёратдан қайтгач ҳам вазият ўзгармади: “Яна бироз кутиш керак”, “Тезда келади”, “Ҳали депортация қилинмаган”...

Бироқ вақт ўтгани сайин она бир нарсани англай бошлади: уни энг кўп қийнаётган нарсаси ўғлининг қаердалиги эмас, балки нега ҳеч ким уни ўғли билан гаплаштирмаётгани эди. 4 июнь куни турмуш ўртоғи кутилмаганда Асилбекнинг ҳарбий хизматни ўтагани

ҳақидаги гувоҳномасини сўраб қолди.

— Бу ҳужжат нимага керак? — деди она.

Эри яна гапни бошқа томонга буришга уринди. Аммо бу сафар аёл чекинмади:

— Менга ростини айтинг. Асилбекка нима бўлди?

Суд ҳужжатларига кўра, шу пайтга келиб ҳақиқатни яширишининг иложи қолмаган эди. Турмуш ўртоғи йиглаб юборди ва Асилбек Россияда гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ жиноят иши доирасида ушланганини айтишдан ўзга чора топа олмади. Бироқ бу хали ҳаммаси эмасди. Орадан кўп ўтмай она яна бир оғир ҳақиқатни билди — ўғли Украинадаги урушга юборилган эди.

## Қамокдан фронтга

Суддаги кўрсатмалардан кўринадики, дастлаб Асилбек Россия қонунчилиги бўйича жавобгарликка тортилиб, кейин Ўзбекистонга депортация қилинишига ишонган. Ҳатто онаси ҳам бир неча ой давомиде шу умид билан яшаган. Отаси ҳар сафар телефон қилганида “депорт қилиб юборишар экан” деган гапларни айтар, она эса ўғлининг уйга қайтишини интиқлик билан кутарди.

Кейинчалик маълум бўлишича, воқеалар мутлақо бошқа ўзанда ривожланаётган эди.

2025 йилнинг июль ойида соғлиғи ёмонлашгани сабабли уни касалхонага жойлаштирилганини айтиб, бир неча ҳужжатга имзо чекишни сўрашади.

“Тахминан 11-12 та ҳужжатга имзо чекидим. Кейин билишимча, улар Россия Федерацияси Мудофаа вазирлиги билан тузилган бир йиллик ҳарбий хизмат шартномаси экан”, деди у судда.

Орадан кўп ўтмай яна бир суд бўли ўтди. Асилбекнинг айтишича, унга тергов билан ҳамкорлик қилгани ва айбини тан олгани учун енгиллик берилиши, асосий муҳокама эса кейинроқ давом этиши айтилган.

Бироқ шу пайт кутилмаган воқеа юз берди. Суд залига ҳарбий қўшнидаги икки киши кириб келди ва унинг Россия Мудофаа вазирлиғи билан шартнома имзолаганини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этди. Судья эса эртаси кун яна муҳокама бўлишини маълум қилди. Ўша кечаси, тунги соат иккилар атрофида, унинг камераси эшиғи очилди. Исмини айтиб қақириб, тезда кийинишни буюришди.

Шундан сўнг воқеалар жуда тез ривожланди.

Унинг айтишича, ҳибсхонадан чиққанида у ёлғиз эмасди. Худди ўзи каби маҳкумлардан иборат яна бир неча йигитлар махсус автомашинага чиқарилди. Икки соатлик йўлдан сўнг улар аэропортга олиб келинди. Бу ерда ҳар бирига металл жетон ва ҳарбий гувоҳнома берилди. Кейин эса уларни бошқа маҳкумлар билан бирга ҳарбий самолётга чиқаришди. Қаерга учаётганларини ҳеч ким изоҳламади.

Самолёт аввал Чуниски деган жойга қўнди, кейин эса Хабаровска йўл олди. Судланувчининг кўрсатмасига қараганда, у ердаги ҳарбий таъйергарлик марказида биринчи марта ўзидан бошқа ўзбекистонликларни кўрган.

“Тахминан ўттиз нафар ўзбек бор эди”, дея эслайди у судда.

Ундан ташқари турли миллат вакиллари ҳам йиғилаётган, бир ҳафта ичиде умумий ҳисобда уч юзга яқин одам тўпланган эди. Уларнинг барча-

сини бир нарсаси бирлаштириб турарди: кечагина уларнинг аксарияти маҳкум ёки терговдаги шахслар бўлган.

Орадан бир ҳафта ўтгач, гуруҳларга ажратиш бошланди. Ёши ўттизгача бўлганлар алоҳида, ёши каттароқлар бошқа взводга тақсимланди. Кейин ҳарбий самолётлар уларни Ростов-Дон томон олиб кетди. У ерда фуқаролик кийимлари йиғиб олинди. Ҳарбий форма, бронжилет, каска ва бошқа анжомлар тарқатилди. Телефонлар мусодара қилинди. Атрофда эса аҳоли яшаш жойлари йўқ эди — фақат кенг чўл ва ҳарбий база.

У шу ерда биринчи марта ўзининг ҳақиқатан ҳам армия ичиде эканини ҳис қилди. Аммо энг оғир синов ҳали олдинда эди.

Қурол тарқатиш бошланганда Асилбек уни олишдан бош тортиди. Судда бу ҳақда оқиқ айтди: “Қуролни олишни истамадим”.

Бу қарорнинг оқибати дарҳол сезилди. Асилбекни бошқалардан ажратиб, алоҳида хонага қамашди. Кейин уч кун давомиде психологлар билан суҳбатлар бошланди. Суд ҳукмига кўра, унга хизматдан бош тортса, аввалги айбларига қўшимча равишда яна етти йилгача қамалиши мумкинлиги айтилган. Бу суҳбатлар кўпроқ руҳий босимга ўхшарди. Бироқ у барибир рози бўлмади.

2025 йилнинг август ойи охирида 114-взвод деб номланган бўлинмага киритилган 33 нафар ҳарбий бир неча кунлик машғулотлардан сўнг техникаларга чиқарилди. Энди машқлар тугаган, олдинда эса ҳақиқий уруш бошлаётган эди. Ҳеч ким бу сафардан қайтиш бор-йўқлигини айтмасди.

Кейинги манзил — Запорожье йўналиши бўлди. У ерда Асилбек ҳаётида биринчи марта дронлар овози, портлашлар ва ўлим билан юзма-юз келди.

## Фронтдаги 18 кун

Фронтга келгач, у хизматга ким сифатида бириктирилганини ҳам судда айтиб берди. Қўлга автомат берилган бўлса-да, асосий вазифаси ҳужум қилиш эмас, балки мудофаа чизигида навбатчилик қилиш, ўқ-дори ва озиқ-овқат ташини ҳамда позицияларни қўриқлаш бўлган. Бу ердаги манзара уруш ҳақидаги кинолардан буткул фарқ қиларди: бир томонда оқоплар, иккинчи томонда вайрон бўлган бинолар, тепада эса деярли тинмай учиб юрадиган дронлар... Ҳар бир кун бир хил бошланар, аммо қандай тугагини ҳеч ким билмасди.

Унинг суддаги кўрсатмаларида фронт ҳаётининг энг муҳим жиҳати тақор-тақор учрайди — бу қўрув эди. Ҳар қандай ҳаракат қузатилиши, ҳар қандай хатотик ўлим билан тугаши мумкин эди. Шунинг учун аскарлар, асосан, ерости паноҳгоҳларида ёки чўқур қазилган оқопларда яшаган. Кундузи кўринмасликка, кечаси эса имкон қадар тез ҳаракатланишга мажбур эдилар.

Суд ҳукмида қайд этилишича, Асилбек фронтда жами ўн саккиз кун бўлган. Бу рақам катта эмасдек туюлади. Аммо уруш шароитида ўн саккиз кун баъзан бир неча ойга тенглашади. Бу вақт ичиде у ҳар кун портлашлар, артиллерия отишмалари ва дронлар ҳужуми остида яшайди. Судда у ўз бўлимасида ҳалок бўлганлар ҳам, оғир яраланганлар ҳам бўлганини сўзлаб берди.

Ўн саккизинчи кун ҳам аввалгиларига ўхшаб бошланди. Бўлинма навбатдаги вазифани бажараётган пайтда ҳавода яна дрон пайдо бўлди. Кейин эса кучли портлаш юз берди.

Судда бу воқеани тасвирлар экан, у

қисқа гапирди: портлашдан кейин ҳушини йўқотганини, ўзига келганда эса госпиталда бўлганини айтди. Ҳукмда келтирилишича, жароҳат, асосан, оёқ қисмига етган. Аввалига фронт яқинидаги тиббий пунктга, кейин эса ҳарбий госпиталга эвакуация қилинган. Фронтдаги жанговар ҳаракатлар у учун шу ерда тугади.

## Қочиш

Самарадаги ҳарбий госпиталь Асилбек учун фронтдан кейинги вақтинчалик паноҳ эди. Чап қўли, ўнг тизаси ва қорин қисми жароҳатланган, боши қаттиқ чайқалган, чап қўлига эса деярли эшитмай қолганди. Судда берган кўрсатмасига қараганда, шифокорлар уни даволаш билан овора бўлган бир пайтда у бошқа режа тузарди. Энди унинг бутун ҳаёли бир нуқтага жамланган эди: қандай қилиб Россиядан чиқиб кетиш мумкин?

Дастлаб бунинг иложи йўқдек туюлди. Яраланган ҳарбийлар ҳар кун назоратчи ҳамроҳлигида ҳаво алмаштириш ёки бозордан озиқ-овқат олиш учун ташқарига чиқарилар, кейин яна госпиталга қайтариларди. Бир неча кун давомиде Асилбек назоратчи билан муносабатини яхшилашга ҳаракат қилди. Судда айтишича, у буни беҳиж қилмаган. Госпиталь ёнидаги бозор атрофида Қозоғистонга қатнайдиган ҳайдовчиларни қўриб қолгач, қочиш режаси айнан ўша ерда тўғилди.

2025 йил 11 октябрь куни унга кутилмаган имконият насиб этди. Госпиталдан навбатдаги чиқиш пайтида назоратчига турмуш ўртоғи келгани ҳақида хабар беришди. Назоратчи ишониб, унга: “Бозордан керакли нарсаларингни тезроқ олиб, касалхонага қайт”, деди-да, ўзи учрашув хонаси томон кетди. Асилбек эса ортга қарамади. У бозор четиде турган, аввал ҳеч қачон кўрмагани — қирғиз ёки қозоқ миллатига мансуб ҳайдовчи томон югурди. Бир неча дақиқа ичиде бошидан кечирганларини тушунтириб, ёрдам сўради.

Ҳайдовчи узоқ ўйлаб турмади. Унинг талаби битта эди — 300 минг рубль. Бу пул эвазига уни Қозоғистонга олиб чиқишга рози бўлди. Асилбек судда ҳайдовчи уни автомашинанинг юхонасига ётқизиб, устига турли матолар ташлаганини айтди. Шу ҳафтада улар чегара томон йўл олишади.

Уларнинг манзили Россия билан Қозоғистон чегараси яқинидаги кичик қишлоқ бўлди. Бу ерда яна бир неча киши кутиб турган экан. Ҳайдовчи уларга пул берди, ўз тилида нима-лардир деди ва Асилбекни ёши улғу қозоқ отахон ҳамда унинг ўғли яшайдиган хонадонга олиб кирди. Улар йигитни меҳмондек кутиб олишди, овқат беришди ва тахминан ўн кун уйларида сақлашди.

Орадан ўн кун ўтгач, қария уни четга тортди, икки нафар ўғли ҳам урушда ҳалок бўлганини сўзлаб берди. Шу сабабли Асилбекнинг аҳволини тушунишини ва унга ёрдам беришни истишини билдирди.

Қария Россия ва Қозоғистон ўртасида саримсоқ савдоси билан шуғуллангани учун айланма йўлларни жуда яхши биларди. “Мен сени олиб ўтаман”, деган ваъда Асилбек учун энг катта умидга айланди.

Бу орада у онасига қисқа юборишга ҳам улгурди: “Аллоҳ менга яна бир имконият берди... Яқин кунларда уйда бўламан”. Онаси бу хабарни ўқиб, ўғли госпиталдан ҳам, Россиядан ҳам қочиб чиқганини англади.

21 октябрдан 22 октябрга ўтар кечаси улар мотоциклда йўлга чиқишди.

Асосий трассалар эмас, одам деярли юрмайдиган яширин сўқмоқлар танланди. Қария уни Қозоғистоннинг ички худудигача етказиб қўйди. Кейин бошқа ҳайдовчи пайдо бўлди. У яна 30 минг рубль эвазига Асилбекни Ўзбекистон чегараси яқинига олиб келди ва танишининг уйига жойлаштирди. У ерда яна бир неча кун кутди.

Аммо энг хавфли йўл ҳали олдинда эди.

Қозоғистонда чегарадан ўтказиб қўйиш эвазига ундан 700 минг тенге талаб қилишди. Бундай маблағ унда йўқ эди. Шунда воситачи икки вариантни таклиф қилди: ё сохта паспорт тайёрлаш, ёки бутунлай бошқа йўлни танлаш. Кейин у харитани очиб, чегара ёнидаги чойхонадан Ўзбекистонга ўтиш мумкин бўлган жойни кўрсатди. Тунги соат иккиларда наряд алмашишини, шу вақтда аскарлар эътибори сусайишини айтди. Энг муҳими, канал устида сим тўсиқлар ва кузатув камералари борлиги, аммо сув ичи орқали ҳаракат қилинса, камера назаридан четда қолиш мумкинлигини тушунтирди. Кийимларини ҳўл қилмаслик учун унга оддий полиэтилен пакет ҳам беришди.

2025 йил 2 ноябрь. Тунги соат тахминан 02:40.

Асилбек чегара симларига этиб келди. Кийимларини ечиб, полиэтилен пакетга солди ва муздек каналга тушди. У сув оқимида қарши сузиб, Ўзбекистон худудига кира бошлади. Масофанинг ҳар бир метри оғир кечарди: қўлида кийимлари солинган пакет, тасасида эса ҳали битмаган жароҳатлар бор эди. Тахминан ўн беш метр нарида кўприк қўринди. У ерга етгач, кўприк остида ҳам сим тўсиқлар борлигини кўрди. Орқага қайтиш йўқ эди. Асилбек чўқур нафас олди, сув остига шўнғиди ва сим тўсиқнинг тагидан ўтиб кетди.

У муздек сувни тезда тарқ эта олгани йўқ. Яна ярим соатга яқин канал ичиде ҳаракат қилди. Фақат хавф ортда қолганига ишонч ҳосил қилганига қирғоққа чиқди. Атрофга қаради: қабристон. Нариде эса уйларнинг қораси кўринарди. Полиэтилен пакетни очиб, қуруқ кийимларини кийди. Унинг Ўзбекистон худудига ўтганини ҳеч ким кўрмаган эди.

Бир неча кундан кейин онасига яна бир “SMS”-хабарнома келди: “Чегарадан зўрга ўтиб олдим”.

## Ҳукм

Ўзбекистонга қайтгач, у узоқ вақт эркин юра олмади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар уни аниқлаб, тергов ҳаракатларини бошлади. Терговчилар унинг Россияда қандай қилиб ҳарбий хизматга тушиб қолгани, фронтда нима ишлар қилгани, мамлакатга қандай қайтгани ҳақида батафсил сўроқ қилишди. Иш материалларига Россиядаги ҳукмлар, ҳарбий шартнома, бошқа ҳужжатлар ва унинг шахсий кўрсатмалари ҳам илова қилинди.

Суд мажлисида Асилбек содир бўлган воқеаларни бошидан охиригача яширмасдан сўзлаб берди. У Россияга урушиш учун эмас, ишлаш учун кетганини яна бир бор таъкидлади. Қуролли можарога қандай аралашиб қолганини, ҳибсхонада қандай ҳужжатларга имзо чекканини, фронтда қандай олиб кетилганини изчил баён қилди.

“Қилган ишларимдан чин кўнғилдан пушаймонман. Суддан енгиллик беришини сўрайман”, деди Асилбек ўзининг сўнгги сўзида.

Суд фақат айбланувчининг кўрсатмалари билан эканлиги қолмади. Судья ҳукм чиқаришдан олдин гувоҳларнинг кўрсатмаларини, тергов материалларини, моддий далилларини ва бошқа ҳужжатларни ҳам таҳлил қилди. Айниқса, унинг онаси берган кўрсатмалар ишининг инсоний томонини очиб берувчи муҳим эпизодлардан бири бўлди.

Она судда ўғли отаси билан Россияга фақат ишлаш учун кетганини сўзлаб берди:

“Ўғлимнинг урушга кетганини кейин эшитдим. Буни аввал билмаганман”, деди у.

Бу ишда эътиборни тортадиган жиҳатлардан бири шук, суд Асилбекнинг шахсига оид ҳолатларни ҳам инобатга олган. Ҳукмда унинг муқаддам судланмагани, айбига иқдор бўлгани, қилмишидан пушаймонлиги, терговга ёрдам бергани ва бошқа енгиллаштирувчи ҳолатлар санаб ўтилган. Шу билан бирга, суд унинг хорижий давлат қуролли тузилмасида иштирок этганини оғир ҳуқуқий оқибатларга эга қилмиш сифатида баҳолади.

Асилбек

ЎД ЭТИБ

# “КАНГЛУМ, БИР КУН КЕТАРМИЗ...”

Шоир Икром Отамуродни хотирлаб...

...“Ватан — қадим дунёдир.  
Ватан — кангулда қат-қат”...  
...“Яқиндирсан савол қадар,  
Йироқдирсан жавоб қадар”...  
...“Ёлғиз от елади. Бир нажот истаб”...  
...“Хаёт — бор-йўқ овунчоқ, одам — овунчоқ қули”...  
...“Кўпқарида чопган от, сафдан чиқди, қариди”...  
...“Канглум, сёндан бошқа менинг кимим бор”...  
...“Сен — қадимий армон, мен — қадим армон”...  
...“Канглум ночор... Мен — бир ноламан”...  
...“Умидлар умидни қучади”...  
...“Офтобдан ёлқинларанар мовий бир осмон  
узоқларда”...  
...“Бир кенглик бор кангулдай сарҳадсиз”...  
...“Термуламан мовийликка,  
излайман унинг бағридан бир нималар”...

Бу ёлқинли ва маҳзун мисралар Икром Отамурод шеърларидан. Уша кун, 12 июль тушдан кейин эндигина қўлимга теккан “Шарқ юлдузи” журналининг 2026 йилги 5-сонини варақлаб ўтирдим. Адабиёт намояндалари ва шеърият мухлислари орасида “Кангул одами” сифатида танилган машҳур шоиримизнинг салмоқли шеърий туркуми журналнинг илк саҳифаларида эълон қилинган экан. Икром аканинг бу хушхабардан нечоғлиқ мамнунлигини кўз олдимга келтирар эканман, унга телефон қилгим ва шоирнинг қувончига шерик бўлгим келди. Аммо...

Шоир мен каби кўплаб мухлислари кўнглини соҳир шеърлари билан хушнуд этиб юрган бир пайтда, бу фоний дунёни тарк этиб, боқий дунёга сафар қилган экан...

Одатда, шеърхонларнинг шоирлар билан танишуви икки хил кечади. Биринчи ҳолатда шеърхон шоирнинг ижодидан хабардор бўлса-да, ўзи билан юзма-юз қўришишга макон ва замон омиллари монелик қилади. Иккинчи ҳолатда эса улар бир замон ва маконда яшагани тўғрисида шеърхон шоирнинг ҳаёт ва ижод йўлидан бевосита хабардор бўлади, ҳатто у билан ўзаро мулоқот қилиш имкониятидан ҳам фойдаланади.

Халқимизнинг истеъдодли шоири Икром Отамурод билан танишлигимиз ана шу иккинчи ҳолатга мос келади. Икром ака ХХ асрнинг 70-80-йилларида адабиёт майдонида қадам қўйган ижодкорлар авлодига мансуб эди. Ўтган 75 йиллик умри давомида таниқли шоир миллий шеъриятимизда ўзига хос ижод намуналари, қолаверса, ўнлаб достонлари билан шеърият мухлислари қалбини забт этиб улгурди.

Икром Отамурод 1951 йил 5 май кун, Қашқадарё вилоятининг Касби туманидаги Касби кишлоғида таваллуд топган. Комилан кишлоғидаги ўрта мактабда ўқиган. Сўнгра 1969-1974 йилларида Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетида таҳсил олган. Университетни битиргач, 1975 йилдан токи умрининг охирига қадар битта даргоҳда — “Шарқ юлдузи” журнали тахририятида узлуксиз ишлади.

Икром аканинг шарофати билан журнал тахририятида катта адабий муҳит шакллانган эди. Ярим асрдан зиёда вақт давомида у юзлаб ёш шоирларга устозлик қилди, уларнинг китоблари ва шеърий туркумларини чоп этишда шахсий ташаббус кўрсатиб, амалий ёрдам берди.

Шу маънода, Икром Отамуроднинг миллий адабиётимиз ривож йўлидаги ижодий ва ижтимоий фаолияти давлатимиз томонидан муносиб тақдирланганини қайд этиш муҳим, деб ўйлаймиз. У 1999 йили “Дўстлик” ордени, 2019 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони билан мукофотланган.

Юртимизнинг чекка кишлоғида туғилиб-ўсган бир йигитнинг ўтган даврда шундай забардаст шоир бўлиб камол топгани бежиз эмас. Бу, бир томондан, Яратган Эгам бандасининг қалбига сўз ишқини жо этгани шарофати бўлса, иккинчи томондан, истеъдод соҳиби ўзига берилган ана шу маънавий неъматни неча ўн йиллар давомида ҳалоллик билан парваришлагани самарасидир. Учинчи томондан эса шоирнинг киндик қони томган туپроқда хоки покларни ётган азиз-авлиёлар руҳининг мададкорлиги сабабидир.

Икром Отамурод ижодида она қишлоғи Касбига аталган шеърлар кўп. Мана, бу ҳақдаги бир шеърдан парча:

**Бораман Касби, бораман бир кун,  
бораман соғиниб-соғиниб.  
Бораман руҳимда бор ёган тўкин  
гулларнинг тўкилган чоғири.**

Касби узоқ ўтмишда Насаф, яъни ҳозирги Қаршидан ҳам катта шаҳар саналган. Буюк ипак йўли айнан шу юртдан ўтган. Мазкур худудда ўнлаб карвонсаройлар ва сардобалар бўлган. Шу сабабли бу ерда маънавият ва иқтисодиёт ўзаро уйғунлиқда юксала борган.

Энг муҳими, Касби азалдан йирик қасабалардан ҳисоблангани, шахристон, работи, қуҳандизи — мустаҳкам қалъаси бўлгани, маҳаллалари муҳофаза этилгани, карвонсаройлари тожирларга хизмат қилгани, бозори ва масжидлари ишлаб тургани ушбу худуднинг ўша давр руҳи билан гавжум ҳамда жўшқин ҳаёт кечирашига йўл очган.

Бу ўз навбатида Касбида диний ва дунёвий илм-фаннинг ривож топиши, мазкур заминда улуғ алломалар, азиз авлиёлар етишиб чиқиши мисолида яққол кўзга ташланади. Шундай улуғ авлиёлардан бири Султон Мирҳайдар ота бўлиб, асл исмлари Хожа Шамсиддин ибн Шайх Жамолдиндир.

Бугунги кунда Касбининг қадимги шахристониди жойлашган Султон Мирҳайдар ота номи билан аталадиган зиёратгоҳ Қашқадарёдаги энг йирик қадамжоларида ҳисобланади. Аслини олганда, Ҳазрат Султон Мирҳайдар ота меъморий ёдгорлик мажмуаси нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёдаги машҳур зиёратгоҳлардан биридир.

Шу ўринда қарийб ўттиз йилдан буён касбиликлар каминана ишонч билдириб, парламент сайловларида депутат этиб сайлаб келганларини ҳам фахр-ифтихор, ҳам масъ-



улият ҳисси билан таъкидламоқчиман. Мен ҳар гал Касби туманига келганимда, албатта, Ҳазрат Султон Мирҳайдар ота қадамжосини зиёрат қиламан.

Манбаларда Алишер Навоий ва Султон Мирҳайдар ота ҳамда Касби билан ўзаро боғлиқ маълумотлар ҳам учрайди. Жумладан, Навоий ҳазратларининг онаси Касбидан бўлгани ва у зот волидасини Мир Ҳайдар ота қабри ёнида дафн этгани ҳақида ўқигандим.

Раҳматли шоиримиз Икром Отамуроднинг ажодлари ҳам шу туپроқда ётибдилар. Икром ака отасидан жуда эрта айрилган. Саломат ая ёлғиз ўғлини ёлғиз ўзи воёга етказган, пойтахтда ўқитган, уйли-жоили қилган ва шу тариқа эл-юртга дилбар бир шоирни етказиб берган.

Ўғил ҳам доим онасининг хизматига турган, сўнгги дамларигача ёнида бўлган. Сўнг Тошкентдан Касбига олиб қайтган. Икром Отамурод ўз онаизорига бағишланган бир шеърда ўша ғамгин хотираларини шундай ифодалаган:

**Касбининг бежирим, қадим туфроғи  
Қон-қонига сингиб кетганди қат-қат.  
Дерди: “Мен Касбининг битта урвоғи,  
Кўз юмсам, Касбига қўясан фақат!”**

Икром Отамурод ўз тенгдошлари орасида фалсафий мушоҳадасининг кенглиги, минбар шоирлариға хос нотиклиги билан ажралиб турар эди. Шоир ижодиға бағишланган адабий давралар ва илмий тадқиқотларда “Унинг ижодидан устоз Мақсуд Шайхзода нафаси сезилади”, деган фикрларға ҳам дуч келиш мумкин. Бу баҳони эътироф сифатида қайд этган ҳолда, Икром аканинг шеърияти бетакрор ва ўзига хос эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

Авваламбор, Икром ака шеърларида “кўнғил” сўзини “кангул” шаклида ёзиши ва нутқида ҳам худди шундай талаффуз этиши шеърият мухлисларига жуда таниш ҳолат эканини эслатиш жоиз. Бунга биргина мисол:

**Сўзласанг,  
сўзингдa кўриниб турмаса канглунг,  
ёлгон дўнар,  
ёлгон дўнар бундайн сўзинг .**

Икром Отамурод “кангул” сўзини жону дилидан севарди, мудом кангулга сайр этар ва кангулда яшарди. Ҳаёти ва ижодида кангулга садоқат кўрсатиб ўтгани учун у ҳатто “Канглум” деган самимий куня (лақаб) орттирган эди. Бу ҳам шоирнинг “кангул” дард неъматига бой, ўзи эса хокисор “аҳли дард”лардан бири бўлганининг ажиб бир тасдиғидир.

Икром Отамуроднинг дастлабки шеърий тўплами — “Вақт ранглари” 1982 йилда нашрдан чиққан. Шундан кейин “Жангуб қўшлари” (1983), “Тўғрайли манзиллар” (1985), “Уфқлар орти бепоён” (1987), “Узоқлашаётган оғрик” (1990) шеърий китобларини чоп эттирди.

Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб шоир шеъриятини лирик-фалсафий йўналиш устуворлик касб этганини кузатиш мумкин. Хусусан, “Сопол синиқлари” (1994), “Сен” (1996), “Ичкари ва ташқари” (1997), “Руҳимнинг қайғуси” (1999) каби шеърий тўпламлари ва достонлари қалбга янада қинлиги, тоза ва самимий туйғуларга тўйингани билан китобхонга манзур бўлган.

Айни пайтда “Канглум ўзинг” (2002), “Тавр” (2005), “Тағазул” (2008), “Харитага тушмаган жой” (2011), “Муқаддар” (2012), “Ёбондаги ёлғиз дарахт” (2015), “Қуш” (2017), “Хувияят” (2020; қайта нашри: 2023) сингари шеърий китоблар ва достонларида инсоний ҳақиқатни ахтарган шоирнинг бетакрор бадиий усули ва ижодий маҳорати эътиборни тортади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида чоп этилган “Ҳижрон имтиҳони” (2025) китоби шоирнинг сўнгги йилларида ёзган янги шеърлари, “Изтироб”, “Урин”, “Ишора” каби достонлари ҳамда жаҳон шеъриятидан қилган таржималари ўрин олган тўплами ҳисобланади.

Мустиқиллик йиллари поэманавислигида Икром Отамурод шеърий достонларининг сони ва маънавий салмоғи бўйича етакчи ўринларда туради. Янги давр достонлари ҳақида сўз борганда, бир қатор адабиётшунослар Икром аканинг достонларига хос сиқиклик ва рамзларга бойлик фазилатларини алоҳида эътироф этганлари диққатни тортади.

Бунда, албатта, Икром Отамурод истиқолгача бўлган

даврдаяёқ бадиий етук достонлар битиш учун маҳоратини муттасил ошириб боргани муҳим аҳамиятга эга. Аввало, Икром аканинг фаластинлик шоир Муин Биссуга бағишлаб 1986 йили битган “Ярадор умид отлари” достони ХХ аср 80-йиллари ўзбек шеъриятида сезиларли воқеа бўлгани бу фикримизни тасдиқлайди. Достонда хорижлик ижодкор образи орқали инсон қалбининг тўлқинлари, мустақиллик ҳақидаги орозулари, она юрт образи кучли ҳис-ҳаяжон билан ифодаланган.

Шундан сўнг шоир фалсафий мушоҳада билан йўғрилган услубига содиқ қолиб, 1990 йили “Узоқлашаётган оғрик” достонини яратди. Бу асарда одамларни тобора тарк этиб бораётган эътиқод, бурч, инсонийлик тушунчалари қалб тўғғи, виждон азоби, юрак қони билан бадиий тадқиқ этилган. Сўнгра “Сопол синиқлари”, “Изтироб”, “Тағазул”, “Ёбондаги ёлғиз дарахт”, “Ичкари ва ташқари”, “Истарим”, “Харитага тушмаган жой”, “Қуш” сингари шеърий достонлар дунё юзини кўрди.

Икром Отамурод оммабоп шоир эмаслиги, унинг шеърларидан росмана завқланиш, айниқса, достонларидидаги маърифат ёғдуларидан теран баҳра олиш учун мумтоз адабиётимиз ва тил бойлигимиздан озми-кўпми хабардорлик талаб этилишини ҳам очик айтиш керак. Биз Икром ака ижодида кўллайдиган “ажаботвор” сўзларни назарда тутиямиз.

Шоирнинг ўзи суҳбатларидан бирида бу ҳақда шундай деган эди: “Мен кўллаган барча сўзлар, жумладан, сиз нотаниш, галатироқ деяётганларингиз тилимизда, гаплашув йўсинимизда бор. Шеваларимиздаги ҳар бир сўз — халқимизнинг бойлиги. Уларни адабий тилимизга олиб киришимиз, ундан барчани баҳраманд этишимиз лозим”.

Айрим адабиётшунослар Икром Отамурод ўз достонларида “эллипсис” ва “анафора” каби бадиий усулларни қандай кўллаганини атрофлича илмий таҳлил қилган. Бу ўринда эллипсис — асар тилида сўзларни тежаб ишлатиш усулини англатса, анафора — сўз такрорига асосланган усул демакдир.

Икром Отамурод таниқли таржимон ҳам эди. У жаҳон адабиётидан Уолт Уитмен, Пабло Неруда, Евгений Евтушенко, Ўлжас Сулаймонов каби ўз руҳиятига яқин шоирларнинг шеър ва достонларини юксак бадиий маҳорат билан она тилимизга таржима қилган. Шоирнинг асарлари турк, араб, булғор, рус, молдаван, озарбайжон, қозоқ, қирғиз, тожик, грузин тилларига ўғирилган ва чоп этилган.

Хулоса қилиб айтганда, шоир канглубаги туйғулар олами шеърдан-шеърға, достондан-достонга, китобдан-китобга янада рангинлашиб бораётган эди. Энди унинг шеър тўла канглубдан қангул билан лиммо-лим шеърлари, китоб жавонларида китоблари, ижод столининг тортмасида эса ҳали сиёҳи қуримаган кўлбэманлари меҳрос қолди.

Икром Отамурод бетақрор ижоди билан халқимиз қалбидан мустаҳкам жой олиб улгурганлигини эътироф этган ҳолда, бир амалий тақлифни илгари сурмоқчиман. Яъни раҳматли Икром ака туғилиб-ўсган Қашқадарё вилояти Касби туманидаги шоирнинг ўзи таҳсил олган мактабда “Икром Отамурод кутубхонаси”ни ташкил этиш лозим.

Бўлажақ кутубхонанинг китоб фондига Икром Отамуроднинг шахсий кутубхонасидаги китоблар, шоирнинг дўстлари ва шогирдлари, ҳамкасблари ва мухлислари, шунингдек, турли ташкилотлар беғараз тақдим этадиган китоблар ҳисобидан асос солинади. Барча хайрихоҳ инсонлар ва тегишли ташкилотлар ушбу тақлифни қўллаб-қувватлашларига ишонамиз ва амалий ҳамкорлик истагини кутамиз.

Гап шундаки, Касбига борсам, албатта, Икром Отамурод ўқиган мактабни ҳам бориб кўрадим ва шоирнинг собиқ синфдошлари билан учрашардим. Эсимда, бизнинг бу гурунларимиз Икром аканинг қулоғига етиб борган экан, учрашиб қолганимизда астойдил миннатдорчилик билдирган эдилар.

Умр — ўткинчи, ҳаммамиз бир-биримизга ғаниматмиз. Агар “Икром Отамурод кутубхонаси” иш бошласа, бир томондан, марҳумнинг руҳи шод бўлса, иккинчи томондан, шоир ўқиган мактаб ўқувчиларига улар учун ғоят зарур маънавият хазинаси тақдим этилган бўлур эди, иншооллох.

Акмал САИДОВ,  
академик, Ўзбекистон  
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ФАХР



Зиёвуддин МАНСУР

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МЕЪМОРИ

Эй, юртимга равнақ излаб, дунёга бўйлаб,  
Халқ ишида куйиб-ёнган Президентим!  
Кеча-қундуз ўзни эмас, бизларни ўйлаб,  
Ҳаловатдан тамом тонган Президентим!

Биламан, сиз баландпарвоз гапни суймайсиз,  
Тилёғлама кимсаларға йўқ Сизда тоқат,  
Лек халқона жайдари гап айта олсак гар,  
Чин дилдан тан оласиз, бу — Сизнинг зўр хислат!

Мана ўша халқона, чин жайдари фикр:  
Гарчи оламда давлат кўп, кўп атанган халқ,  
Лек ҳаётга теран боқиб, сўнг этсак зикр,  
Қаерда бор бизнинг халқдай бек аталган халқ?

Яъни Соҳибқирон бобом бергандай сабоқ,  
Биз амири Туркистонмиз, мулки Туронмиз.  
Сиз айтгандай, кенг дунёни илм-ла олмоқ  
Орзусида ёнган насли Ўзбекистонмиз!

Яна бир ҳақ гапни айтгум сиғмай жаҳонга:  
Янги Ренессанс ғоясин берган ахир, Сиз!  
Биз бунёдкор бўлсак янги Ўзбекистонга,  
Эй, Юртбошим,  
Сиз унинг Бош меъморидирсиз!

“Элни рози қилиш” деган ўй билан Сиз  
Жо бўлдингиз юракларнинг туб-тубига.  
Издослар ҳам эришмоқда ҳар лаҳза, ҳар кез  
Меҳнатсевар халқимизнинг розилигига.

Сизнинг,  
Бизнинг куч-қудратга ким шубҳа қилса,  
Келсин, кезсин, юртимизнинг  
Ҳар ёгин кўрсин.  
Ким бу дунё мўъжизасин кўрмоқчи бўлса,  
Кўрсин мегаполис шаҳар Тошкентим кўркин!

Йўқ! Биргина Тошкент эмас,  
Бутун юрт ўтди  
Том маънода тадбиркорлик ҳаракатига.  
Сиз бош бўлгач, бу ҳам бор гап,  
Айланиб кетди  
Ўзбекистон бунёдкорлик мамлакатига!

Сирмас, алғов-далғовлардан  
Безовта дунё,  
Таҳликада яшаётир жумлаи олам.  
Фақат тўрт-беш давлат тинч, бу —  
Лоф эмас асло,  
Улар ичра бор бизнинг ҳур  
Ўзбекистон ҳам!

Қандоқ эдик  
Сиз юртга бош бўлишдан аввал?  
Асли тўғримас ўз юртин лойига беламоқ,  
Лекин гапни букмай, фикрим  
Билдирсам дангал,  
Қоғозда иш зўр эди-ю,  
Амалда — чатоқ...

Чорак аср ваъдаларга ишондик, гўё  
Эрта-индин “Зур!” бўлади ишлар гуркураб.  
Уша чоғлар ҳам мустақил бўлсак-да, аммо  
Яшар эдик зугумлардан кўрқиб, хавфсираб.

Шукур, шукур! Минг-минг шукур  
Бахтимиз қулиб,  
Тарқаб кетди диллардаги қайғу, ғам-алам,  
Яъни ўша кўркув ва хавф буткул даф бўлиб,  
Янги Ўзбекистон олға ташлади қадам.

Бўлиб улуғ карвон учун муносиб сарбон,  
Элни олға етаклайсиз ҳеч олмасдан тин.  
“Буюк юртни биргалиқда қуражамиз!” — деб  
Юракларга қададингиз ишонч уругин.

Қандай мардлик, “Халқ давлатгамас, давлат халқ учун  
Хизмат қилсин!” — деганингиз бўлди зўр ғоя.  
Муаммолар борасида очилди туғун,  
Яъни энди давлат бизни қилар ҳимоя.

Не бахт, бугун, диллар обод,  
Тан-жон соғ эса,  
Бизга ҳавас қилар бутун  
Жумлаи жаҳон!  
Сиз айтгандай, яқдил бўлсак,  
Худо хоҳласа,  
Янги Ўзбекистон –  
Нурли ёруғ қошонамизни  
Бирга қураимиз!

ЯНГИ НАШР

Дунёда кечатган нотинчликлар, ҳарбий низолар ва хусусан, коммуникация жараёнини янги даражага олиб чиққан ахборот урушлари давлатлар хавфсизлигига жиддий таҳдид солаётган омил сифатида намён бўлмоқда. Медиаининг коммуникатив макон динамикасини белгилловчи ҳамда сиёсий тузум характериин акс эттирувчи воситага айланаётгани давлат, жамият ва шахс учун турли даражадаги хавф-хатарларни келтириб чиқармоқда. Бундай шароитда ҳарбий журналистикани ривожлантириш, шунингдек, уруш ва ҳарбий низоларга боғлиқ коммуникатив омилларнинг ОАВга таъсир жараёнларини тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этади.


Шу нуқтаи назардан, филология фанлари доктори Алижон Сафаровнинг “Ҳарбий журналистика тараққиётига коммуникатив ҳодисаларнинг таъсир этиш омиллари” номли монографияси алоҳида эътиборга лойиқ. Тадқиқотчи ҳарбий журналистиканинг янги феномен сифатидаги хусусиятларини аниқлаш, жанговар ҳаракатлар медиатизациясида коммуникатив стратегиянинг ўзига хосликларини ўрганиш ва тезкор ҳарбий ахборот алмашинувида ижтимоий институтларнинг ўрнини ёритиш орқали соҳа эволюциясига коммуникатив ҳодисаларнинг таъсирини атрофлича таҳлил қилган. Мазкур масалалар бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Монография җуртта боб, ун иккита фасл ва кичик хулосалардан иборат. Монографиянинг “Ўзбекистон ҳарбий журналистикаси эволюциясига коммуникатив ҳодисаларнинг таъсири” деб номланган биринчи бобида тадқиқотчи журналистикада коммуникация тушунчаси ва унинг тавсифи, Туркистон мухторияти ва мустабид тузум ўрнатилиши давридаги миллий ҳамда ҳарбий нашларнинг гоёяи таъсирчанлиги масалаларини таҳлил этади. Бундан ташқари, коммуникатив макондаги динамика ўзгаришларнинг ҳарбий журналистика тараққиётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятига тўхталиб ўтади.

Иккинчи бобида эса “Ҳарбий низоларда коммуникатив ҳодисаларнинг муҳим омиллари”нинг илмий-назарий асослари ва юзага келиш механизмлари, ҳарбий тўнлашувларнинг коммуникатив хусусиятлари ҳамда ўзига хосликлари ўрганилиб, муҳим илмий хулосалар чиқарилган. Тадқиқотда Россия, АҚШ ва Ўзбекистоннинг мудофаа доктриналари, БМТ Низоми ва 1949 йилда қабул қилинган Женева конвенциялари таҳлили асосида ҳарбий низоларнинг ҳуқуқий негизи тадқиқ этилган. Монографияда ҳарбий можарога “давлатлар ўртасидаги ёки давлатнинг ички қарама-қаршиликларини ҳарбий куч қўллаган ҳолда ҳал этиш шакли” дея таъриф берилгани тадқиқотнинг илмий аҳамиятини янада оширади.

Тадқиқотнинг учинчи ва тўртинчи боблари “Мудофаа сиёсатида ахборотнинг ижтимоий аҳамияти” ҳамда “Зиддиятчи вазиятлардан медиа маҳсулот тайёрлашда журналист маҳорати ва фаолиятининг ўзига хослиги” деб номланади. Ушбу бобларда ҳарбий ахборот алмашинувида ижтимоий институтларнинг ўрни ҳамда мудофаа сиёсати тарбиятида медиа образларни шакллантиришнинг муҳим тамойиллари қиёсий таҳлил асосида пухта ўрганилган. Муаллифнинг факулдада вазиятлардан репортаж тайёрлаш ва ахборот манипуляциясига оид чуқур таҳлиллари қимматли илмий тақлифларни илгари су-

ҲАРБИЙ ЖУРНАЛИСТИКА:  
РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ



ришга хизмат қилган.

Тадқиқотчи Сариосиё ва Узун туманларида 2000 йилда юз берган қуроли низолар ҳақида “Ватанпарвар” ва “Халқ сўзи” газеталарида чоп этилган репортажлар, хусусан, ЎЗА мухбирлари томонидан тайёрланган материаллар мисолида диққатга сазовор кузатувларни амалга оширган. У миллий контентда “нафрат тили”нинг зооморф метафораларга асосланган ғайринсоний жиҳатларини, қаршига асосланган ғайрихлоқ жиҳатларини, шунингдек, стереотиплар ва ёриқлар ёпиштириш, қўқув ва ғазаб уйғотиш, душманга умумий айбловлар қўйиш билан боғлиқ ижтимоий аспектларни аниқлаган ва таънифлаган. Бу натижаи монографиянинг муҳим илмий янгиллиги сифатида эътироф этиш лозим.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда содир бўлган қуроли низолар билан боғлиқ миллий контент таҳлил қилинган бўлса-да, репортаж тайёрлаган журналистларнинг касбий маҳорати билан боғлиқ жараёнлар ишда тўлақонли акс этмагандай туюлади. Шунингдек, Сурхондарё воқеаларини таҳлил қилиш жараёнида дунёнинг бошқа қайноқ нуқталарида содир бўлган худди шундай воқеалиқлар билан солиштирилганда, бизнингча, тадқиқотнинг қиммати янада ортган бўлар эди.

Миллий ҳарбий журналистикамизнинг эволюцион ривожига қуроли тўнлашувлар билан боғлиқ коммуникатив ҳодисаларнинг таъсирини, ҳарбий низолар шароитида коммуникатив омилларнинг ўрнини ва мамлакат мудофаа сиёсатида ахборотнинг ижтимоий-ахлоқий тафаккур тенденцияларини замонавий ёндашувлар асосида тадқиқ этишга зарурат ортиб бормоқда. Шу муносабат билан қуйидаги мулоҳазаларни билдириш мумкин:

- ишда жадид матбуотидаги мудофаа ва армия масалаларига оид манбалардан мисоллар келтирилгани таҳсинга лойиқ, бироқ уларнинг қайси олим томонидан таъдид қилингани кўрсатилса, монографиянинг илмий аҳамияти янада ошарди;
- “CNN эффекти” концепциясининг миллий модулини аудиовизуал журналистикага боғла-

ган ҳолда амалий тақлифлар берилса, мақсадга мувофиқ бўларди;

- ишда айрим жузъий услубий хатоликлар учрайди, баъзи ўринларда илмий услубдан бироз чекиниш ва публицистик руҳга берилиш ҳолатлари кўзга ташланади.

Умуман олганда, бутун дунёда ҳарбий журналистиканинг тадрижий ривожиди коммуникатив омилларнинг ўрни, ҳарбий низоларда коммуникатив ҳодисаларнинг муҳим тамойиллари ҳамда уруш ва тинчлик шароитида ахборотнинг ижтимоий-ахлоқий аҳамияти бўйича кенг қўламли илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда. Очиғини айтиш кераки, коммуникация жараёнини янги босқичга олиб чиққан ахборот урушлари бугунги кунда давлатларнинг миллий хавфсизлигига жиддий хавф туғдирмоқда. Илгари радио ва телевидение орқали олиб боришган манипулятив жараёнларнинг бугунги кунда интернет ҳамда ижтимоий тармоқларга фаол қўшилиш глобал хавфсизлик учун таҳдидга айланди.

Монографияда ҳарбий тўнлашувларнинг коммуникатив феномен сифатидаги хусусиятлари, жанговар ҳаракатлар медиатизациясида коммуникатив стратегиянинг ўзига хосликлари аниқлангани ва ҳарбий ахборот алмашинувида ижтимоий институтларнинг ўрни атрофлича ўрганилиши мазкур фундаментал тадқиқотнинг илмий-амалий қийматиини сезиларли даражада оширади.

Шу ўринда, умумий хулосалардан келиб чиқиб, айрим тақлиф ва тавсияларимизни билдириб ўтмоқчимиз:

Монографияда Сариосиё ва Узун туманларидаги ҳарбий зиддиятчи низоларга оид матбуот материаллари таҳлил қилинган. Бизнингча, қўшимча равишда “Ўзбекистон” телеканалининг “Ахборот” дастурида берилган репортажлар таҳлилдан ҳам фойдаланилса, тадқиқот янада бойир эди.

Уруш ва низолар билан боғлиқ миллий контент тайёрлашда дунёнинг етакчи телеканаллари таърибасини қиёсий ўргатган ҳолда ёндашиш зарур.

Илгари сурилган ушбу тавсиялар тадқиқотнинг мазмун-моҳиятига салбий таъсир кўрсатмайдди, аксинча, унинг илмий-амалий қийматиини оширади деб ҳисоблаймиз.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган изчил ислохотлар жараёнида мустақиллигимиз ҳамда тинч ва осийишта ҳаётимизнинг ишончи қалқони бўлган Қуроли Кучлар шаклланди, натижада мамлакатимизнинг мудофаа салохияти тобора ошиб бормоқда. Давлат раҳбари томонидан илгари сурилган “Халқ ва армия — бир тану бир жон” деган эзгу миллий ғоя миллиятининг ватанпарварлик руҳини янада мустаҳкамламоқда. Бундай шароитда армиядаги изчил ислохотлар моҳиятини жамоатчиликка кенгроқ тушутириш ҳамда замонавий таҳдид ва хатарларга қарши ижтимоий иммунитетни мустаҳкамлаш ниҳоятда зарурдир. Мазкур жараённинг ОАВ орқали аҳолига холис етиб боришида шаффоқлик ва очилиқ муҳим ўрин тутди. Шу сабабли мамлакатимизда ҳарбий журналистиканинг ил-

мий-назарий асосларини шакллантириш, мудофаа ва миллий хавфсизлик сиёсатидаги шаффоқликни ҳамда унда ҳарбий ОАВнинг ўрнини тадқиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир. Профессор вазифасини бажарувчи Алижон Сафаровнинг мазкур монографияси айни шу жиҳатдан юксак аҳамиятга эга.

Тадқиқотчи зиддиятчи вазиятлардан медиа маҳсулот тайёрлашда журналист маҳорати ва фаолиятининг ўзига хослиги, хусусан, факулдада шароитлардан репортаж тайёрлаш ва ахборот манипуляциясига доир таҳлиллари орқали муҳим илмий тақлифларни илгари сурган. Масалан, у Ироқ уруши билан қириб келган янги тенденцияни “қуроли низоини келтириб чиқариш ва олиб боришда медиани қўллашнинг “CNN” тескари эффекти” деб номлашни тақлиф этади.

Шунингдек, монографиянинг диққатга сазовор айрим хулосалари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

а) тадқиқотда ҳарбий мавзуларни ёритишда гендер масаласини ҳам инобатга олиш лозимлиги кўрсатилган. Айниқса, аёл журналистларнинг экстремал шароитдаги иштироки, уларнинг касбий ҳимояси ва медиа этикаси нуқтаи назаридан ўрганилиши ишнинг амалий аҳамиятини оширади;

б) ишнинг тақлифлар қисмида мамлакатнинг халқаро медиа имижини, ҳарбий нуфузи ҳамда барқарорлик рейтингларидаги ўрнини юксалтиришда ҳарбий журналистиканинг аҳамиятини мустаҳкамлаш бўйича, яъни қайси ички ва ташқи ахборот кампаниялари самарали натижа бериши мумкинлигига алоҳида эътибор қаратилгани айни мудоаодир.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 81- ва 82-моддаларидан иқтибос келтириш ўринлидир:

**“81-модда.**  
Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ иш олиб борадилар.

Давлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини қафолатлайди.

Оммавий ахборот воситалари ўзи тақдим этадиган ахборотнинг ишончилиги учун жавобгардир.

**82-модда.**  
Цензурага йўл қўйилмайди.  
Оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига тўқсинлик қилиш ёки аралашмиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади”.

Асосий Қонунимизнинг бу қатъий моддалари матбуот ва ОАВнинг Янги Ўзбекистонни барпо этиш ҳамда Уччини Ренессанс пойдеворини қуришдаги юксак вазифасини қафолатлайди.

**Карим НОРМАТОВ,**  
**НИВ Малака ошириш институти**  
**профессори,**  
**тарих фанлари доктори,**  
**Ўзбекистон Журналистлар уюмаси**  
**аъзоси, политолог.**

ФИКР

- Бу нима қилганине?! Кўзинг кўрми?
- Кечирасиз, билмай босиб олибман.
- Кўзингга қараб юрсанг-чи! Нақ 100 долларлик муфлимнинг аҳолини нима қилдинг?!
- Яна бир бор узр!
- Метро поездининг зигири очилди.
- Ҳозир тушишим керак, бўлмасами... — тўнгиллади шеригим.
- Шошма! Бекор бундай муносабатда бўлдинг.
- Намага? Унинг ўзи қадамини эппай олмади-ку!
- Барибир яхши иш бўлмади. Ҳар ҳолда, атайлаб қилгани ўй, бунақа тиқилчинда... Яна узр ҳам сўради. Шунда ҳам сен шунча бақир-чақир қилдинг.
- Ўртоқ, қўйгин, ўзи кечга қоляпмиз, юр тезроқ!

ҚАЛБ КЎЗИ

Фильмни кўраётиб ўйлаб қолдим: ростдан ҳам баъзида қўп нарсаларга юзани қараймиз ёки тушунишга уринмаймиз. Ҳаётимизда бирор нуқлаи вазият юз берса, уни тўғри қабул қилиш ўрнига дарҳол айбдорни қидиришга тушамиз. Қўрган-кечирганларимизни эса қалбдан ҳис этмаймиз.

Инсон ҳаётини ҳис мураккаб ва гўзал ҳодисалардан бири — бу бир-бирини англаш, кечириб ва тушуниш қобилиятидир. Қўп ҳолларда биз воқеаларга юзани қараб, фақат ташқи тафсилотларни баҳолаймиз ва дарҳол ҳукм чиқаришга шошламиз. Бироқ ҳаётнинг нозик жиҳатларини, инсонийликнинг асл моҳиятини фақат қалб кўзи билан англаш мумкин. Шу нуқтаи назардан, адабиёт ва санъат инсоний дунёни чуқурроқ идрок этишимизда катта ёрдам беради.

Ўйлаб кўринг: кундалик ҳаётимизда тез-тез учрайдиган оддий бир ҳолатни олайлик. Масалан, метро вагонда бирор киши йўлингизни тўсиб қўйди ёки пайқамай оёғингизни босиб олди. Қўпчилик бундай вазиятда дарҳол ғазабланади, эътироз билдиради ёки айбдорни жазоламоқчи бўлади. Аммо қалб кўзи билан қарайдиган инсон вазиятга бошқача баҳо беради: у қаршисидаги одамнинг нуқлаи аҳолини тушунишга ҳаракат қилади, хатони қасддан эмас, балки инсоний оқиллик оқибати деб билади. Шу орқали асл инсонийлик — бошқаларни тушуниш ва кечириб қобилияти юзага келади.

Адабиёт ҳам худди шундай вазифани бажаради. Ҳар бир ҳикоя, роман ёки шеър бизни бошқа бир инсоннинг ички дунёси, ҳиссийлари ва қарорлари сабаби билан таништиради. Масалан, бадий асар ўқийётганда қаҳрамоннинг ҳатто кичик хатоси ҳам унинг ички кечинмалари билан боғлиқ эканини кўраимиз. Шу тариқа биз воқеаларга фақат ташқи ҳодиса сифатида эмас, балки қалб кўзи билан қарашини ўргатамиз. Натижада реал ҳаётдаги вазиятларни ҳам чуқурроқ англаш қўпчилигимиз ривожланади.

Инсонийлик ва қалб кўзи билан кўра билиш нафақат бошқаларга нисбатан ҳурматни оширади, балки ўзимизни ҳам чуқурроқ англашимизни таъминлайди. Биз ўз хатоларимиз, заифликларимиз ва ноаниқликларимизни тан олишни ўргатамиз. Ҳаётдаги кичик қўнғилсизликлар — тушқунлик, ғазаб ёки тушунмовчиликлар биз учун сабоқ бўлиб хизмат қилади. Фақат қалб кўзи билан қарайдиган кишигина ҳаётнинг мураккаб синовларини енгил ва соғлом идрок этади, ўзининг ҳиссий барқарорлигини сақлаб қолади.

Шу нуқтаи назардан, адабиёт ва кино орқали инсонийликни англаш жараёнини янада чуқурлаштириш мумкин. Масалан, Ўлмас Умарбековнинг “Одам бўлиш қийин” асарида бош қаҳрамон ҳаётини синовлар ва мураккаб вазиятлар орқали инсоний қадриятларни сақлаш, бошқаларни тушуниш ва кечириб қобилиятини эгаллайди. Китеб сарлавҳасининг ўзиёқ жуда маънодор: “Одам бўлиш осон эмас”, деган ҳақиқатни ёритади ва ҳар биримиз учун воқеаларни қалб кўзи орқали идрок этиш қанчалик муҳим эканини эслатади.

Қалб кўзи билан кўра олиш эса инсониятнинг энг ноёб ва муҳим фазилатидир. Шу боис, адабиёт билан ошно бўлиш, китеб мутлоаси — энг катта мактаб.

Минг афсуски, бугун қўп ёшлар китеб ўқимай қўйишган...

Фарангиз САДРИДДИН кизи.

КАНДАКОРЛИК

Устанинг қўлида жонланган санъат

Халқнинг маънавий бойлиги, миллий қиёфаси ва тарихий хотираси, аввало, унинг асрлар давомида сайқал топган хунармандчилик анъаналарида намён бўлади. Аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган нафис санъат турларини асраб-авайлаш, уларни замон руҳи билан уйғунлаштириб, келажак авлодга безавол етказиш эса юксак масъулият ва фидойиликни талаб этади.

Ана шундай заҳматкаш ва ижодкор инсонлардан бири — Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, моҳир кандакор уста Зокиржон Ғофуровдир. Унинг фаолияти миллий амалий санъатимиз ривожига қўшилган муносиб ҳисса сифатида эътироф этилади.

Қўп йиллик ижодий изланишлар ва бой тажриба самараси ўлароқ, уста мис ва бошқа металлларга миллий нақшларни юксак маҳорат билан жилолаб келмоқда. Уста яратган ҳар бир асарда халқимизнинг қадимий анъаналари, юксак бадиий дид ва миллий руҳ мужассам. Шу боис унинг ижод намуналари нафақат юртимизда, балки хорижлик санъат илхосмандларида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Кандакор уста миллий кандакорлик санъати, хусусан, мис, латунь ва мельхиор каби хом ашёлардан турфа буюмлар яратиш йўлида изланиб, самарали меҳнат қилмоқда. Устанинг ижодий ишларидан қўлаб намуналар “Ўзбекистон хунармандчилиги ва амалий санъати” энциклопедиясидан ўрин олган. Хунарманднинг офтоба, патнис, идишлар тўплами, қоидиси, қоса ва қўтилар ясаш услуби нозик ҳамда ўзига хос қўриниши билан эътиборни тортади. Айниқса, араб ёзувидаги хаттотлик санъати безаклари-



дан моҳирона фойдаланиши маҳсулотларни янада бежирим ва беназир қилади. Устанинг қўлида металл гўё жонланади, жимжимадор нақшлар эса унга шарқона ўзига хослик бағишлайди.

— Ҳар бир маҳсулотни яратиш мисгардан алоҳида меҳнат ва кунт талаб этади, — дейди уста. — Битта оддий мис пивёла тайёр бўлганига оялаб вақт сарфлашга тўғри келади. Шу боис ҳар бир буюм ўзига хос бўлиб, бир-бирини такрорламайди. Маҳсулотларимиз нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз ўрнини топан.

Зокиржон Ғофуров ўз ижодий фаолиятини та-

ниқли кандакор уста Мақсудали Мамадалиев қўлида бошлаган. Ғамхўр устоз шоғирдига металл ўймакорлигининг барча сир-синоатларини ўргатди. Шунингдек, Республика рассомчилик билим юрти ва Тошкент театр ва рассомчилик институтининг санъат-шунослик бўлимида олинган назарий билимлар ёш устанинг ижодий фаолиятини янада кенгайтди.

— Аллоҳ менга шундай хунарни, ардоқли касбни бергани учун доимо шуқур қилиб яшайман. Чунки касбим, хунарим ортидан элда эъзоз топдим. Қўпчилик инсонларга, ёшларга ушбу хунарни ўргатдим. Айниқса, шу йиллар мобайнида қўлаб шоғирдлар етиштирдим. Ҳатто Самарқанддан келиб, кандакорлик хунарини ўрганиб кетган шоғирдларим ҳам бор. Уларнинг бари бугунги кунда ўз йўлини топиб кетган. Ҳозирда фаолиятимда турмуш ўртоғим яқиндан ҳамдам бермоқда. Шунингдек, ушбу касбга набирам ҳам қизиқиб, бобосининг хунарини пухта ўрганиш ва уни давом эттиришни мақсад қилган. Бу, албатта, мени жуда қувонтиради. Ҳозирда устaxonамиздан хорижлик меҳмонларнинг қадами узилмапти. Уларнинг эътиборини кандакорлик маҳсулотларимиз тортиди. Ёққанини ўзлари учун харид қилишади, бу хунарни ўрганиш сирлари билан қизиқишади.

Дарҳақиқат, юртимизда хунармандчиликни қўлаб-қувватлаш, миллий қадриятларни асраш ва ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ана шундай фидойи инсонларнинг меҳнатида янада ёрқин намён бўлмоқда. Зокиржон Ғофуров каби усталарнинг сермаҳсул ижоди ва ибратли фаолияти миллий маданиятимизнинг равнақиға, халқимиз маънавий меросининг бойишига хизмат қилиб келмоқда.

Фотима МАНСУРОВА.

РАССОМ ХАНДАСИ



Ҳусан СОДИҚОВ чизган карикатура.